

Зумринисо КОЗИМОВА

Бобур шеърятига комиллик туйғуси



Тошкент 2006

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УЎҚА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Зумринисо КОЗИМОВА

**БОЪУР ШЕЪРИЯТИДА ҚОМАНДИК
ТУЙҒУСИ**

ТОШКЕНТ – 2006 йил

Ёш адабиётшунос Зумринисо Козимова ўқувчилик йилларида сўз санъати ва унга доир илмлар билан астойдил машғул бўлиб келади. Кейинги йилларда унинг бир қатор муъжаз мақола ва рисолалари адабий жамоатчилик диққатини ўзига тортиб, Ўзбекистондаги адабий ҳаётнинг ҳақиқатини аниқ ва тўғри туйғуси» номли рисоласи ҳам беқиёс адиб шеърий намуналаридаги лирик қаҳрамонни характерловчи муҳим жиҳатларни ўзига хос таҳлил-таққин этишига кўра ўқимишли ва фойдалидир.

Тақризчилар: Филология фанлари доктори,
профессор **Нажмиддин Комилжон**

Филология фанлари номзоди,
доцент **Файзулла ҳожи Набиев**

Сўз боши
муаллифи: Филология фанлари номзоди,
доцент **Тоҳир Шермуродов**

Муҳаррирлар: **Фахриддин Ишмаматов,**
Валерий Ли

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий Кенгашининг 2006 йил 29 июндаги 12 - сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

ШЕЪРИЯТНИ ИДРОКЛАШ САБОҚЛАРИ

Илму фанларимизнинг қадим тарихи муайян соҳаларда фаолият кўрсатувчи мутахассис ва ҳунар эгаларини ёшлик айёмларидан бошлаб шакллантириш мунтазам назарда тутилганидан далолат беради. Лаёқатларнинг сезилиши, аниқланиши биланоқ шоҳни, шоирни, олимни, хилма-хил ҳунар эгалларини касбга тайёрлаб бориш, меҳнатларининг натижаларини таҳлил этиб туриш, уларнинг ўз ишларида тариққийсини таъминлаш ва улар ҳақида мудом қайғуриш тарихдаги кўп илгор даврлар, жамиятларнинг муҳим вазифаларидан саналган. Шунга яраша уша давр ҳаётларида ҳар жиҳатдан юксак ютуқларга эришилган. Бу масалалар назарияси ҳамда амалий ҳосилалари хусусида ўнлаб манбалар гувоҳлик беради.

Шарқда шоирликнинг, шеърят илми ёки умуман бадийят масалаларининг ўрганилишига масъул олимликнинг таълим-тарбиясини ҳам болаликдан йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бу соҳа фаолияти, табиийки, ўзига хос кузатувчанликни, фикрчанликни, ваҳм (фантазияни), поэтикабликни, теран идрокни тақоза этади.

Ҳозирги замонда ҳам кўп ёшларнинг бир ёки бир неча ўзаро даҳлдор билимларда ўз иқтидорларини шакллантириб, ривожлантириб, самарали ютуқларга эришувларини кўриб, беихтиёр қувонасиз. Илми адабга ўқувчилик йилларидаёқ муҳаббат қўйиб, бадий ижоднинг нималигини, унга қандай талаблар қўйилиши мақбуллигини чуқур идрок этиб, бу борада ибратли изланишлар юзага чиқараётган ёш адабиётшунослардан бири Зумринисо Козимовадир.

У академик лицейдаги ўқувчилик даврида она тили ва адабиёт фанлари Республика олимпиадаси (2000 – 2001 ўқув йили)да I ўринни эгаллаб, Низомий номи Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига имтиёзли қабул қилинган. Навоий номи Давлат стипендияси соҳиббаси бўлган. Унинг «Маънавият асослари» қўлланмаси академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун мўлжалланган. Бир қатор мақолалари адабиётшуносликнинг турли масалаларига бағишланган бўлиб, адабий жамоатчилик диққатини ўзига тортган.

Бобур ижоди, фаолияти ўзбек ва умуман жаҳон илм-фанида кўп тадқиқ этилган. Шеърятни борасидаги хилма-хил талқин ва таҳлиллар, аниқса диққатни ўзига тортади. Шунга қарамай, Бобур шахсияти, унинг шеърятни гоёвий-бадий мавжлари ҳар авлод китобхонларини мушоада-мулоҳазага бетиним чорлаб келади.

«Бобур шеърятида комиллик туйғуси» китобининг муаллифи улуг шоир шеърятига – юксак ҳис-фикрлар, фалсафалар, жозоба-маҳоратлар намуналарига ошuftа тадқиқотчи сифатида чуқур разм солади. Мавзунинг қатор таҳлил ва тадқиқотларда эътибордан четда қолган қирраларини илғайди. Бобур шеърхонларига ифода-

манзаралар моҳиятини фавқуллода идрок этиш имкон-йуларини очишга ҳаракат қилади.

Комил инсонлик Бобур шоир талқинида нечоғлик жани масаласи бежиз танланмаган. Адибнинг насрида, айниқса шеъриятида комиллик тасаввури, орзуси - ўзига хос, бетакрор. Лирик қаҳрамони шу тасаввур ва маромни ўз шахсияти ва аҳволи билан ихтиёрий, беихтиёр муқоясалар қилади. Ўзлигини чуқур англаш, ундаги барча инсоний кечинмалар жонли Бобур тимсолини куз олдимизда намоён этади.

3. Козимова шоирнинг турли шеърӣ жанрларда битилган асарлари таҳлилида лирик қаҳрамоннинг турфа кечинмаларини кузатади. Лирик қаҳрамон ўзида давр илгор кишисининг умумлашма қиёфасини қанчалик гавдалантирмасин, у барча хислат-фазилатлари, хато-қусурлари билан жонли, ҳамдард бир инсон сифатида намоён бўлади. Худди насри («Бобурнома»)даги сингари шеъриятида ҳам Бобурнинг тафаккур ва аъмоли бутун оддий ёхуд мураккаб қирралари билан ифодаланадик, бу шеърӣят тадқиқларида шоир - қаҳрамоннинг бундай ифода тарзи кўп ҳолларда негадир эътибордан четда қолган. Ушбу ҳол айни шеърӣят ўзига хослигининг нодир бир фазиладидир. 3. Козимова бу хусусиятни шоир тафаккур тарзининг ва шеърӣ маҳоратининг гузал мисоллари орқали таҳлилга тортади.

«Бобур шеърӣятида комиллик туйғуси» рисоласи Бобур ижодига қизиқишлар уйғотувчи, муҳаббатларни оширувчи, мумтоз шеърӣят ҳикматларини англашга даъват этувчи муъжаз тадқиқот жанлиги билан аҳамиятлидир.

Баркамол шахс, баркамол авлод, комил халқ ва жамият асрлар мобайнида инсоният учун орзуланиб келинаётган олий мақом. Комиллик - хом-хаёл туйғу эмас, унинг инсонга хос имкон доирасида эришилган, мудом авлодларга ибратлар бериб турадиган ҳаётий мисоллари бисёр. Бу туйғуга ҳеч қачон тушқунлик бўронлари раҳна сола олмайди. Зеро, Яратгани таниган, ўзлигини кашф этмоқда бўлган инсон комиллик сари интилиш неъматига-да маҳкум яралган. Бу ҳисга ошно диллар эзгулик, савоб, самаралар йулидадир. Ҳар инсон фарзанднинг етуклик сари интилишига ўз тараққийсини ҳаётдаги ва илм-фан, бадий ижод намуналаридаги ибратлар билан муқояса, таққос қилиш фазилатлари ҳам йулдош бўлса, янада эзгуликдир. Ҳазрат Мирза Бедил донишона айтганидек:

Бу даштда интилиш карвонлари бор,
Йулвчи шиддатин нишонлари бор.
Камолга бир йўла етиб бўлмайди,
Тулин ой йўлида нарвонлари бор.

Тоҳир Шермуродов

Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатидагина эмас, қомусий алома, мумтоз шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий гуруридир.

Ислом Каримов

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР СИЙМОСИГА БИР НАЗАР

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё дунёга кўплаб мутафаккир олимларни, шоирларни ва жаҳонгашта саркардаларни етказиб берди.

Маданиятнинг, илм-фан, меъморчилик ва санъатнинг ривожланган, тараққий этган даври ҳисобланган XV аср Мовароуннаҳр тарихида ўзига хос ёрқин ва аҳамиятли из қолдирди.

Мумтоз инсон, тарихимизнинг энг мураккаб, энг жозибадор, энг драматик сиймоларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо айни мана шу даврда яшаб, ижод этди. У қисқа умр кўрди – бор-йўғи қирқ етти йил ҳаёт кечирди. Лекин шу суронли умри мобайнида у жаҳон тарихидан шавкатли ўрин олиб ўлгурди.

Ҳали мурғак гўдак жан, ота боболари уни суюб, эркалаб, яхши ниятлар билан залворли ном бериб атадилар. Исми – жисмининг бир-бирига монанд келиши кам учрайдиган ҳодисадир. Бироқ бу азамат шахс – Бобур Мирзо тимсолида айни шу ҳол ўзининг ёрқин ифодасини топган эди. Айтиш жоизки, эзгу дуолар ва уларнинг ижобати боис бу суврати сийратига вобаста инсон, муаззам ва қудратли салтанатнинг муносиб вориси ўлароқ вояга етди ва сўнгги нафасига қадар беқийёс шиддат, азим бир шижоат уни тарқ этмади.

У тенгсиз фазилатлар бобида камлиги йўқ бўлиб камол топди. Айтиш жоизки, бу беназир сиймо – Бобур Мирзо тимсолида олмос истеъдодини синаб кўрмаган инсоний фаолият соҳаси жуда кам топилади.

Аслида, унинг умр йўли бошдан-оёқ тақдир имтиҳонларидан иборат эди, десак янглишмаймиз.

У ўн икки ёшида отадан етим қолди.

Ҳали айрилиқ аламлари, куз ёшлари тинмай туриб, қисмат унинг бошига тожу тахт, салтанат миннатини солди. Шу тариқа тақдир кутилмаганда уни болаликнинг завқли, суронли давларидан бенасиб этди. Шу ёшдан умри мудом от устида, жангу жадалларда, сиёсат гирдобларида ўтди.

Гарчанд маърифатга тапша қалб илму зиё сари талпиниб турса-да, тақдир унга на Бухораи шариф мадрасаларида ва на Бойқўд

байтул ҳикмаларида таҳсил кўрмоқликни насиб этди. Аммо даҳо заковати ва илоҳий пайгоми билан у оламнинг тенгсиз адабий ва илмий муъжизаларини яратишга мушарраф бўлди.

Зотан, унинг муаллими-устоди ҳам, мураббийи – тарбияткунандаси ҳам айна ҳаёт, унинг отасиз, шавқатсиз тарзи эди...

Қисмат уни, бир томондан, ун тўққиз ёшида тугилган диёрини тарк этишга, иккинчи томондан, йигирма беш ёшида Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш каби қатор мамлакатларнинг аксар қисмини забт этишга, шу билан буюк бобурийлар салтанатига асос солишга мушарраф қилди. Демак, бир вақтнинг ўзиде, Ватандан ҳам, салтанатдан ҳам жудолик юз берди....

Унинг мамлакатдорлик сиёсати, ҳарб илми асрлар давомида жаҳон ҳукмдорлари учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди.

Шу сабабли унинг бу борадаги ноёб тажрибалари Юлий Цезарь, Бонапарт Наполеон, Атилла, Амир Темур сингари мумтоз давлат арбобларининг номлари билан бир қаторга қўйиб урганилади.

Адоват ва фитналар, исён ва суиқасдлар туфайли, у умр бўйи қиличнинг дамида тургандек, беором, беҳаловат кун кечирди. Неча бор муқаррар ўлим чангалида қолиб, ҳар сафар меҳрибон ва марҳаматли оллоҳнинг қудрати ила яна ҳаётга қайтди. Тириклик чоғида чархнинг жабру жафосини ҳадсиз даражада тортган бу зоти бузrug вафотидан кейин ҳам ўзоқ йиллар тақдирнинг машаққатли синовларига дуч келаверди...

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРВАРИ

Маънавият – мангу сарчашма. Бу сарчашма бевосита руҳни, инсон руҳини озиқлантиради, унга ҳаёт завқини солади. Аслида инсон фарзанди кўз очиб дунёни кўрганидан то кўз юмиб дунёни тарк этгунига қадар ҳар лаҳзада ҳаётга ташна бўлиб, маънавий руҳий озуққа муштоқ бўлиб яшайди. Ҳаёт эса аслида адабий гўзалликдан, завқу сурудан, демакки, мангу маънавий-руҳий озуқдан иборат.

Бугунги кунда, ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган нодир қўлёмаларни жиддий урганиш даври келди. Бугун, биз, аждоларимиз ҳақида хорижда яратилган илмий-тарихий ва адабий асарлари билан бевосита тинишиш имконига эга бўлдик. Улар орасида президентимиз Исмоил Каримов таъкидлаганидек: «Буюк маънавият ва шарқона одиб-ахлоқ тимсоли» бўлган бобоколониимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва у асос солган сулола вакиллари салтанати тарих олдида буюк аҳамият касб этади.

Неча асрлар, неча минг йилларни қамраб олган улуг тарихимизнинг инсоният ривожига катта из қолдирганларнинг бир қисми – Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолиятида мужассам бўлган.

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашариёт ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англатмоқчи бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосини эслаши керак.

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати, манбаи – халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир, – деб ёзади Исмоил Каримов.

Худди шунингдек, насл-насабимизни эслаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажакимизни қураётган бир вақтда катта гуруҳ ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: бизларнинг томиримизда Бобур Мирзо қони бор, юрагимизда Бобур Мирзо руҳи барҳаётдир. Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек муносиб фарзандлари бўлган миллат янги-янги ғояларни яратишга қодирдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи тарихимиз саҳифаларида қора бўёқлар билан акс этди, мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий гуруҳ туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка қўндириш эди. Неча ўн йиллар халқимизининг сергак кўзларини, қўлоқларини буюк аждоғларимиз меросининг ҳаётбахш Нури ва Саҳрсидан ҳоли тутмоқчи бўдилар. Лекин Нур миллионлаб юракларнинг қат-қатларида яшади. Садо эса чақалоқнинг қўлогига азон билан кириб, жон билан чиқди.

Келажак буюк давлатнинг ўтмиши буюклиги мутлоқ ҳақиқат, йўқдан бор бўлмас – бордан йўқ.

Бугун, биз, узоқ давом этган гафлат уйқусидан уйғондик... Қанчалик қириб-қиртишламайлик, баҳор келди дегунча тоғ-тошлар орасидан, энг қаттиқ жисмларнинг ҳам бағрини ёриб, майин майсалар ниш уриб чиқа бошлагани каби, узоқ даврлар мобайнида, ўша қизил мустабид даврида маданиятимизга, маънавиятимизга «бутун фронт бўйлаб» ҳужум олиб борилаганига қарамай, халқимиз асрлар давомида қалбининг тўрида авайлаб сақлаб келган қадриятларимизни намоён қилмоқда. Чунки, билардики, қанчалик «сарқит», «қолоқлик», «жоҳиллик» аломатлари деб жазавага боришмасин, мазкур маънавий бойликларнинг кўпи биз учун чинаккам инсоний – ахлоқий жавоҳир эди.

Ҳазрати Бобур Мирзо ижодини урганар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўламиз. Бу улуг инсоннинг жавоҳир хазинаси биз ўзбекларнинг бошимизни сарбаланд қаддимизни тик қилиб юришга ундайди. Халқимизнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшади. Аммо аждоғларимизнинг, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавият ва инсонийликни қайта тиклаш учун хизмат қиладиган моддий ва маънавий ёдгорликларини қидириб топиш, уларни халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида сафарбар қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Албатта, бу йўлда ҳозирга қадар ҳам жуда катта ишлар амалга оширилди.

Халқда улуг бир нақл бор: «Қатрада қуёш акс этади». Дарҳақиқат, шундай. Қатрада қуёшнинг, демакки, нурлар оламининг акси бор, жилваси бор. У бир қатра! Аммо бу муъжиза шундаки, унда оламнинг гузаллиги, нафосати, биллурлиги, шаффофлиги, шу билан бирга, маъсумлиги мужассамлашган. Бани башар қанчалик мадҳ этиб, қанчалик ва қандай талқин қилинмасин бод-бод оддий ҳақиқатга – қатрага қайтаверади. Унинг ақли ва руҳи доимий равишда оддий ҳақиқатдан ҳайратлар оламига кўчиб, ундан яна улуг аслиятга – оддий ҳаёт ҳақиқатига келаверади. Бу мангуликка дахлдор ҳақиқат. Инсон ана шу ҳақиқат қаршисида – қатрадаги илоҳий мужда қошида мол ва ожиз қолаверади...¹

Улуг бобоколониимиз, мислсиз сўз санъаткори ва салоҳият соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур маънавиятимиз султони, сарваридир. Унинг ижодий меросини, хусусан, «Бобурнома» ва ҳатто кичик шеърӣ мисраларининг гуё қатрага мисол келтиришимиз мумкин.

Зеро, санъткор шоир шеърӣятаида ҳам ўзида мунаввар оламини, унинг ҳадсиз – ҳудудсиз сир – у синоатларини мужассам этган қатрага хос хосса, муъжиза бор. Бинобарин, биз, уни қанчалик мутлолаа этмайлик, унинг янги – янги қирралари инсон ақлини ҳайратга, руҳини туйгулар оламига тўлдирувчи фазилатлари очилаверади.²

Умуман айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур машаққатли ҳаёт йули, ижодий фаолияти ҳозирги кун ёшларига ибрат бўлмоғи лозим. Маънавиятимиз сарвари бўлган бу улуг зот мансуб бўлган миллат фарзандлари жанимизни, томиримизда Бобур шижоати жўш ураётганини ҳар биримиз ўйласак, англасак, қалбимизни чинаккам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Бобур Мирзо ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси – Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир. Зотан, бу қадрият бугунги кунда ҳам, бундан кейин ҳам биз учун, авлодларимиз учун бирдек қадрли бўлиб келажак. Чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, бу васият айнан бизлар учун – буюк лашкарбошининг, хассос шоирнинг, мутафаккирнинг бугунги авлодлари учун айтилган.

Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Бобур Мирзо номи яшайверади.

ЖАҲОНИЙ СИЙМО

Заҳириддин Муҳаммад Бобур инсон ва адиб, маданият арбоби ва саркарда, эътиқоди бутун ва тақводор шоҳ, ростғуӣ адабиётшунос

¹ Қаранг : Ф.Набиев "Сабр ила шукри ҳаё" ... Сихат саломатлик журнали 2001, 3-4 сон.

² Ф.Набиев "Баҳрдан бир қатра" 2002 й. 8 февраль. "Моҳият" газетаси.

ва аламзада ота мақомида бағоят мураккаб, зиддиятлар тўқини билан йўғрилган тақдир соҳиби эди. Умр бобида Бобур Мирзони «қистан» Парвардигори карим унга сахий қалб, улкан юрак, сеҳргар қаламу кескир қилич ато этди. Айни июнлар унинг ҳаёт саҳифаларини нурлантирди, теран моҳият ва маъно бағишлади. Асрлар тўфонию бўҳронини писанд этмай, инсониятнинг янги – янги авлодларига етиб боровчи мангуликни унинг насибасига битиб қўйди. Бобур Мирзонинг мангулик қарвони ўз қўнғирогини жаранглатиб, итлар тажоввузини назарига илмай, ҳамон олға интилмоқда. Йиллар ва йўллар ўтади, безавол қарвон эса поёни йўқ боқийлик манзили сари интилишда давом этади...

Бобур Мирзо шоир, адиб, шеършунос – адабиётшунос, донишманд фақих, тилшунос, табиатшунос, мантиқ ва риёзиёт илмларидан пухта хабардор жамоат арбоби сифатида ўзидан бебаҳо маънавий мерос қолдирди. Бошқа одамларникидан деярли фарқ қилмайдиган муъжазгина кўксига шеърнинг юраги ва журъатини кўтариб ўтган бу мукаррам зот ақл бовар қилмайдиган кашфиётлар билан юзма-юз яшаб ўтди, ўзидан сара маънавий хазина ва ном қолдириш учун кўрашди. У яхшилик шайдоси эди. Охириги нафасигача эзгулик яловини баланд тутди, фарзанди Ҳумоюн Мирзога ҳам шу ҳақда васият қилди...

Кечирувчанлик Бобур Мирзога ато этилган ноёб неъматлардан эди. У ўзига жабр ўтказган, ҳатто хоинлик қилган, аммо вақти келиб ўша рўйи – нопоклигини рост тан олиб, авф этишни утинган мусоҳибларининг гуноҳини кечиб юборган. Уламас «Бобурнома» ва Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»сидаги беҳисоб лавҳалар шундай қатъий мулоҳаза учун асос беради.

Бобур Мирзо, ҳатто, ушандай нокас бандаларини рағбатлантирган, уларга баъзан катта лавозимларни ишониб топширган. Дунё азоблари суяк-суягидан ўтиб кетган улуг саркарда қолган умрини тахт ташвишларидан холи, Аградаги ўзи барио эттирган богда бадий ижод завқи билан ўтказмоқчи эди. Шу орзу ҳам рўёбга чиқмади. Ҳинд саркардаси Иброҳим Лудийнинг онаси ташаббускор бўлиб ичказилган заҳар, Бобур Мирзонининг ўз угли Ҳумоюн Мирзонининг хаста жисми атрофида комил сидқ билан қилган қасами кучини кўрсатди. Унинг томирида оқаётган жон жўшқинликни йўқота бошлади. Хазон япроғи умр гунчаларига соя ташлади. Тонгнинг кўтбиде шомнинг турганлиги равшаналаша бошлади. Зийрак ва синчков Бобур Мирзо жони ришталарини узмоққа шайланган ажалнинг серпанган қиличига ҳам мардона пешвоз чиқди. Ҳуши борида тожу тахтни суюкли тўнғич ўгли Муҳаммад Ҳумоюн Мирзога топширди. Улуг шоирнинг маҳзун юраги сўнгги дамларда ҳам яхшиликни қўмсади. Ўша эзгу туйғу ҳолсиз жисмнинг ўз атрофида умид билан термулаётган жоду кўзларига охириги нигоҳи бўлиб улашилди. Бор кучини тўплаган шерюррак Бобур сафдошу мулозимларига, Ҳумоюн Мирзога охириги сўзини –

васиятини айтди. Унинг тарих қаватларида муҳрланиб қолган сунгги нидоси ҳам яхшилик ҳақида эди. Бобуруна шавқу шиддатли юракда бир-бирига икки туйғунинг бақамти келиши, ёнма-ён амал қилиши, эрқнинг ҳамisha яхшилик тарафида бўлиб келганлиги – муъжиза.

Аввалоҳ бор, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврининг фарзанди, мураккаб даврдаги ижтимоий- иқтисодий шароитларнинг, зиддиятларнинг, гоёвий мафкуравий қарашлар ҳукмрон бўлган замоннинг маҳсули. Бинобарин, Бобур адабий меросини, унинг фаолиятини айна мезон билан кузатиш, баҳолаш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳур фикрли инсон, илгор гоёли ижодкор сифатида маданиятнинг, маърифат ва маънавиятнинг тараққиёти учун, эзгу мақсадларининг тантанаси учун курашди. Шу мақсадда умр бўйи ибратли ишларни амалга оширди. Эл-улуста наф, давлат ва салтанатга фойда келтирди. Унинг бирдан-бир мақсади инқироэга юз тутган теурийлар давлатининг парчаланиб кетишидан сақлаб қолиш ва мустақкамлаш, Марказий Осиёда марказлашган йирик давлат барпо этиш эди. Ушбу нияти йулида у узоқ ва шиддатли курашлар олиб борди, аммо муҳит бунга имкон бермади. Ўзаро жангу жадаллар, омонсиз тўқнашувлар туфайли юз берган омадсизликлар, кетма-кет мағлубиятлар унинг ўз она диёридан бош олиб кетишига сабаб бўлди. Энди у жануб сари юриш бошлади. Афғонистон ва Ҳиндистонни эғаллаб, катта империя вужудга келтирди. Бу тарихдаги янги бир салтанат – бобурийлар салтанати эди. Таъкидлаш жоизки, у асос солган империя Афғонистон ва Ҳиндистоннинг маданияти, иқтисодий-мафкуравий ҳаётида, умуман, бу мамлакатларнинг тарихий тараққиётида ўчмас из қолдирди. Бугина эмас, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳар томонлама етук баркамол шахс сифатида дунё халқлари маънавий оламида ҳам сезиларли из қолдирган сиймолардан биридир. Алҳол, умумбашарий фазилатлар соҳиби ва эзгу гоёлар тарғиботчиси бўлган ватандошимизни биз ҳақли равишда жаҳоний сиймо деймиз. Ва бунда аминманки, ҳеч қандай миллий маҳдудлик йўқ. Бунинг яна бир далили шуки, бобоколониимизнинг ҳаётлик чоғларидаёқ бой адабий мерослари ва серқирра фаолиятларини теран тадқиқ этиш, атрофлича урганиш учун кўплаб мамлакатларнинг атоқли олимлари илмий изланишлар олиб борганлар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг фавқуллода нодир истеъдоди, беқиёс инсоний салоҳияти билан ҳақли равишда жаҳон аҳлининг ҳайрат ва эҳтиромига мушарраф бўлди. Айна фазилатлари билан у миллатимизни, халқимизни бутун оламга танитди. Ва шу боис у миллатимизнинг, халқимизнинг ифтихор байроқларидан бирига айланди.

Дунёдаги не-не фозил инсонлар унинг ҳақида то ҳануз ҳайрат ва эътирофга тўла ҳикоялар сузлайдилар. Ва у тарихда камдан-кам учрайдиган фавқуллода ҳодиса деганлар. Эрскин, Эдуард Холден

каби Европа олимлари Бобурни тарихдаги ўша вақтларга қадар бўлган лашкарбоши, дипломат, давлат арбобларининг энг атоқлиларидан бири деб атаганлар. Улар Бобур томонидан адабиётга, фанга киритилган буюк ҳиссани ҳаяжон билан қайд қилади лар.

Бобурнинг «Бобурнома»сини инглиз тилига таржима қилган Эрскин Бобур ҳақида шундай дейди: «Бобур характерининг энг мислсиз белгиси унинг бошқа муждорларникига мос келмаслигидадир. Бобур тахтга ўтирганига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолган... Унинг бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, талантлилиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қаралганда, Осиёдаги подшоҳлар ичидан Бобурга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳ тополмаймиз»¹.

Ҳарбий санъат жиҳатидан Бобурни гарблик шарқшунос олимлар Юлий Цезарь билан таққослайдилар, ҳатто уни Юлий Цезардан ҳам юқори қуйиб, XIX асргача лашкарбошилик санъатининг мўжизаси деб ҳисоблайдилар.

Бошқа бир олим Эдуард Холден шундай деган эди: «Бобур соф жентелмен ва жангчи бўлган. У олижанобликда қандай хосиятлар бор бўлса, уларнинг барчасини эгалаган.

Унинг манглийига юксак фазилат битиб қўйилган»².

Зеро, Бобур Мирзонинг ўзи: «Донишмандлар шарафли бўлишни иккинчи ҳаёт деб билганлар», - деган эди. Атоқли олим ва ёзувчи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам иккинчи ҳаёти беш юз йигирма йилдан ортиқроқ вақтдан бери давом этиб келмоқда.

Жавоҳарлал Неру Бобур ҳақида ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида қуйидаги баҳони келтиради: «Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди»³.

Бобурнинг фикр доираси, ниҳоятда кенг, эрудицияси жуда чуқур, хотираси эса «Бобурнома»да кўзга ташланишича, гоятда кучли, ҳақиқатдан ҳам кишини ҳайратда қолдирадиган даражада унқиб бўлган. Уни нафақат табиат, балки, унинг барча сиру синоатлари, бемисл гузаликлари ва уларнинг асл моҳияти, айни чоқда, ҳайвонотлар дунёси, яна муҳими, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ижтимоий-мафкуравий ҳаёт, ҳарбият, демакки, олам - борлик, ундаги жамики катта-кичик масалалар, уларнинг манба ва манъшалари қизиқтирган. Шу тариқа у ҳамиша янгиликка ва камолотга интилган.

¹ W. Erskine "Babur Zakiriddin Muhammad" 1921 й.

² История Востока, Лекции Курса III 1888-89 ун.год.

³ Джавахарлал Неру "Открытие Индии". Из-дo иностp. Лит-pы, М., 1955 стр. 273.

Бобурнинг аҳамияти тўғрисида машҳур ҳинд ёзувчиси Мулк Рож Онанд шундай дейди: «Улуг Бобур мемуар ёзганлиги маълум. У поэтик прозада ёзган эди. Бу китоб биз билан сизининг меросимиздир. Бу Ўзбекистондаги каби бизда ҳам гоёат қадрланади. Ҳиндистоннинг баъзи рассомлари, жумладан, Бобурнинг чевараси ушбу китобга расмлар чизган. Бу ажойиб қўлёзманинг бир нусхаси Москвада сақланмоқда. Уни бутун дунёдаги ажойиб санъат асари деса бўлади. Биз дунёдаги энг гузал асарлардан бирини Ўзбекистон ва Ҳиндистон уртасида баҳам кўрамыз»¹.

Рус ёзувчиси Николай Тихонов ўзининг Бобурга бағишлаб ёзган «Бобур қабрида» асарида афғон жамоатчилигининг Бобурга бўлган чуқур ҳурматини ифодалаб беради.

Юкоридаги каби ҳароратли сўзлар Ҳиндистондаги Бобур Мирзо ва унинг авлодлари фаолиятига берилган ҳаққоний баҳо бўлиши билан бирга Бобурийларнинг мамлакат тарихида тутган ўрни ва ролини ҳам холисона белгилаб беради.

Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодини урганар жанмиз, албатта унинг буюк шоҳ ва шоирликдаги табиий истеъдод, ҳар томонлама ривожланган ва қомусий билимларни ўзида мужассамлаштирган шахсияти, ақл-заковати, очиқ кўнгилчилиги, нозик табиатлилиги бизни димо ҳайратга солиб келади. Унинг асосий мақсадларидан бири ягона марказлашган давлатни барпо этиш, мамлакатни обод этиб, эзгу ниятларини амалга ошириш эди. Бобур шахсиятини, бизнингча, унинг ижодиёти, жумладан, «Бобурнома» асосида кўриб чиқилса ва ўрганилса янада мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳеч шубҳа йўқки, Бобур Мирзо ва бошқа тарихий шахсларнинг бой меросидан давримизнинг муҳим вазифаларини бажаришда фойдаланишимиз лозим, буни қилмоқдамиз ҳам. Башариятнинг мана шу биргина даҳо фарзанди ҳақида бутунга қадар юзлаб китоблар ёзилган. Ва, ҳали яна юзлаб, минглаб асарлар битилгусидир.

Чунки унинг тарихи ва тақдири халқимиз тарихи ва тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Халқимиз тарихини ёзмоқ учун эса шоир айтганидек, «минглаб Фирдавсий керак».

Нафақат олис-яқин кечмишларимиз, балки утаётган умримизнинг ҳар лаҳзаси — тарих. Тарихнинг ҳар лаҳзаси эса тадқиқ ва таҳлилга муносиб.

ШОИР ЛИРИКАСИНИНГ ҒОЯВИЙ ОЛАМИ

Халқ, ҳақиқат ва нафосат ўлмайди, дейдилар ва буларни ардоқлаган, куйлаган улуглар ҳам мангудир. Улар ҳамиша авлодлар дили ва тилида барҳаёт. Шу миннатдор авлодларнинг эзгу интилиш ва ишларида мададкордир, дейдилар.

¹ История Востока, лекции курса III 1888-89 ун.год.

Бу – аини ҳақиқат. Фирдавсий, Низомий, Шерозий, Атоий, Лутфий, Навоий, Бедил қатори Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ҳамон халқ дилида, орадан беш юз йилдан кўп вақт ўтган бўлсада у ўз асарларида барҳаётдир, орамиздадир, биз билан биргадир.

У, шу улуғлар каби, ҳайратомуз гузал ва мужизакор ва нафис, кўш янглиғ сўнмас ва олтинга ўхшаб қораймас, ранг-баранг ва сеҳрли бадийят обидалар яратди. Бу бадийят обидалари баркамол баҳор каби ифбатли, рангин ва зарриндир, шу баҳор латофати ва фусуни сингари завқли, илҳомбахш ва шавқлидир, яна шу баҳор каби суронли ҳужумкор ва ўзгарувчандир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур йирик давлат арбоби ва моҳир лашкарбоши бўлиши билан бирга шоир, адиб, тарихчи ва олим ҳамдир. Унинг қисқа ҳаёти уруш – юришларда, омонсиз жангу жадалларда кечди. У гоҳ хурсандчиликда, гоҳ чексиз ғам – аламлар гирдобда яшади, алаҳ-оқибат туганмас руҳий изтироблар исканжасида умр ўтказди. Бу ҳақда «Бобурнома»да ўқиймиз: «ун бир ёшимдан бери икки Рамазон ийдини паё-пай бир ерда қилгон эрмас эдим»¹. У бошидан кечирган изтиробли кунларни эслаб, кейинроқ маснавийларида ҳам шундай ёзган эди:

Кўрсатиб давлат йитмагин на эди,
Ерга урдинг, кўтармагинг на эди.
Гоҳ жоҳилни сарбаланд айлар,
Гоҳ оқилни пойбанд айлар.
Не вафо қилганини билса бўлур,
Не жафосига сабр қилса бўлур.
Не қилай, не кишидан истай дрд?
Кимга даҳр илгидан қилай фарёд.
Арзимас ғам емакка бу дунё,
Бал отин ҳам демакка бу дунё.²

Ҳақиқатдан ҳам Бобур яшаб ижод этган замон Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихида ғоят зиддиятли бир давр эди. Бир томондан, улуғ Амир Темур асос солган, нисбатан марказлашган давлат, унинг ижтимоий – сиёсий ва маданий ҳаётга кўрсатган қатор ижобий оқибатлари билан характерланса, иккинчи томондан, ана шу қудратли империянинг инқирозга юз тутиши туфайли, турли томондан феодалларнинг ўзаро тож-тахт учун курашлари эл-юртнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётига шубҳасиз, салбий таъсир кўрсатаётган эди. Булар охир-оқибатда буюк салтанатни емирилишига олиб келди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ниҳоятда серташвиш, нотинч ҳаёт кечиришига қарамай, ўз даврига нисбатан етук билим олиб, бебаҳо

¹ «Бобурнома» 159 - бет.

² Бобур. Девон, 40 – бет.

бадий ва чуқур мазмунли илмий асарлар ижодкори даражасига кўтарилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўн олти – ўн етти ёшларидан ижод қила бошлаган. У «Бобурнома»да 1499-1500 йиллар воқеаси ҳақида сўзлар жан «ул фурсатларда бирор – иккирор байт айтур эрдим, вале газал тугатмайдур эрдим», – дейди.

Бобур ўзбек мумтоз адабиётининг, айниқса, Алишер Навоийнинг бой адабий меросини ҳамда форс-тожик тилидаги адабиётнинг устоз санъаткорларининг адабий тажрибаларини ўрганди, ўзбек ва форс-тожик тилларида янги, ўзига хос шеърлар яратди, ўзбек ва форс-тожик тилидаги шеърларини тўплаб икки девон тузади. Бу девонларидаги айрим шеърлар «Бобурнома»га ҳам киритилган. У 20 ёшида янги бир ёзув – «Хатти Бобурий»ни нашр қилади. Мусиқа билан шугулланиб, «Чоргоҳ» мақомига «савт»лар битади. «Бобурнома»дек улкан тарихий-бадий асарни яратади. Солиқ ишларини тартибга солувчи «Мубаййин ал-закот» («Закот баёни» асарини шеърый йўлда ёзади. Аруз назарияси ҳақида рисола тузади. «Мухтасар» номи билан шўҳрат топган бу асар Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон»идан кейин аруз илмига бағишланган иккинчи йирик асар эди. Унинг «Ҳарб иши», «Мусиқа илми» номи асарлари ҳозиргача топилган эмас. Бобур таржима билан ҳам шугулланиб, Хужа Аҳрорнинг «Волидия» асарини шеърый йўл билан ўзбекчага таржима қилади. Бу унинг араб тилини ҳам пухта билганлигидан далолат беради.

Унинг лирик мероси ҳажми жиҳатидан унча кўп бўлмаса-да, мавзу дрираси, шаклий такомили ва бадий томонидан гоят гўзал ва мукаммаллиги билан ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Бобур лирикасини газал, рубоий, қитъа, туюқ, маснавий, фард, муаммо каби жанрларда битилган гоёвий-бадий жиҳатдан пухта – пишиқ бўлган асарлар ташкил этади.

Шоирнинг лирик шеърларида ҳаётбахш туйғулар-ҳаётдан завқланиш, ёр васли билан қувониш, эл-юрт, дийр севгиси, она-Ватандан узоқда юрган лирик қаҳрамоннинг изтиробли туйғулари, панд-насиҳат мавзуйидаги илм-маърифат ва одб-ахлоққа чақирувчи, тақдирдан нолиш каби мотивлар юксак бадий маҳорат билан куйланади. Бобур поэзиясининг муҳим томонларидан бири шоир шеърлари тарихий воқеа ва ҳодисалар билан чамбарчас богчаниши ва ўша даврнинг воқеалигини содда ва раво тилда тараққий-парварона фикрлар билан ифодаланиши, жўшқинлиги, тил бойлиги ва ҳаётийлигидир. Бу хусусида Ўзбекистон ФАнинг ҳақиқий аъзоси, профессор В. Зоҳидов қуйидагиларни ёзган эди: «Ўзининг бадий асарлари билан у баъзан феодаллар вакили, мафкурачиси сифатида, баъзан ўз даврининг илғор кишиси сифатида кўринади. У баъзан феодализм жамиятини, давлатини, феодал усулини, феодал мафкурасини ёқласа, баъзи ҳолларда уларни фош қилади, ўша даврнинг тор рамкасига сиймайдиган фикрларни кўплаб ифодалайди.

Бобур ҳаммадан аввал ўз ижодиётининг прогрессив фикрлари билан қадрлидир»¹.

Бобур газалларидаги мавзу жиҳатидан ранг-барангликни кўздан кечирир жанмиз, уларда оптимистик туйғу билан сугорилган, инсоннинг шоду хуррамлиги билан боғлиқ кутаринки руҳда битилган қатор газалларга ҳам дуч келамиз.

Ҳақиқатдан ҳам ҳаёт неъматлари: ёз фасли, ёр васли, дўстлар суҳбатидан завқланиш, ҳаётга умид кўзи билан қараб, оптимистик хулосалар чиқариш Бобур шеърятининг муҳим томонларидан биридир. Қуйидаги:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти²

ёки:

Бўладим умримда бир дам хотири хуррам била,
Гар ижидан келса бир дамни кечурманг ғам била³,

каби мисраларда умрни имкон қадар шоду хуррамлик билан ҳаётдан завқ олиб яшашга чақиради.

Бобурнинг «Гул жамоли ёпқон ул гулнинг икки райҳонидур», «Қаро зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор», «Жамолнинг васфини, эй ой, неча элдин эшиттаймен» каби мисралар билан бошланувчи ўнлаб ишқий газалларида ишқ аҳлининг шайдолиги, маҳбубанинг гузал ҳусну жамоли, севикли ёрга етиша олмай ҳижрон азобларида тўлғанаётган ошиқнинг қалб изтироблари ўзига хос тарзда тараннум этилган, очиб берилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Бобур шеъриятида ёр-диёр, ватан мавзуси катта урин тутади. Ошфута шоир она юртидан йироқда бўлса ҳам ўзи тугилиб ўсган элига, юртига, она-ватанига бўлган муҳаббати, унга етишиш орзуси доим унинг қалбидан изтироб туйғуларини учирмайди: Бобур ўзга юртларга бориб, у ерларда талон-тароҷлик билан шугулланиб, мол дунё тўпламади, аксинча, ўша ерларда ҳам боғ-роғлар яратиш, катта ободончилик ишлари олиб бориш билан шугулланди. Айни мана шу гоғлар унинг шеърларида ҳам ўз ифодасини топди.

Бобур шериятда эришган гоғвий-бадий ютуқларида, сўзсиз, шарқ адабиётининг Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий каби устозлар маҳоратларидан, буюк сўз ва салоҳият соҳиблари санъатхонасидан самарали фойдаланганлиги кўзга яққол ташланади.

Айни пайтда, Бобурнинг насру назмдаги анъаналари устида кейинги ўзбек адабиётининг Машраб, Мунис, Отаҳий, Увайсий,

¹ В.И. Зоҳидов Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида. (Бобур. «Бобурнома», Т.: 1960, 14-бет).

² Бобур. Девон, 35-бет

³ Бобур. Девон, 17-бет.

Нодира, Муқимий, Фурқат каби қўлаб вакиллари томонидан изчил давом эттирилди. Бобур ўз асарлари келажак авлод учун муносиб мерос бўлиб қолишидан фахрланиб:

Ашъорингким шеър оти то бўлғай,
Таъб аҳли анга волау шайдо бўлғай.
Ҳар лафзи дуру баҳри маъни анда,
Ким кўрди дурки, онда дарё бўлғай¹.

Асосийси, Бобур Мирзо мунаввар инсонпарвар, оловли ва тўфонли гоёларни тараннум этдики, улар буюк шоир бадийятига қалб бўлди, шундай қудратли ва жозибали қалб бўлдики, уни на омонсиз зулмат ва қаттол ҳукмдорлар на фалокатли бўрон ва қонли тўфонлар, на шулар билан тула асрлар урушдан тўхтата олди, аксинча у ҳамон барҳаёт.

Ҳаётга муҳаббат ва қувноқлик, ёр ва диёр севгиси, ҳижрон ва гурбат дарди, бадбинлик дастидан кулиш, яхши хуж-одоб ва илм маърифат тарғиби, галабалар нашидаси ва мағлубият аламлари, афсус-надомат ва бошқалар – Бобур лирикасининг мавзу доирасини, гоёлар оламини ташкил этади, десак янглишмаган бўламиз.

КОМИЛЛИК ОРЗУСИ ВА МЕЪЁРЛАРИ

Оламнинг буюклиги фақат унинг чексизлигида эмас, балки чексиз ранг-баранглигида, дейди алломалар. Дарҳақиқат, ана шу ранг-баранг чексизликда борлиқнинг бутун жозибаси, сиру синоати, серқирралиги, мураккаблиги ва бетакрорлиги мужассам.

Инсон эса оламлараро олам бўлиб, унинг қалб тугёнлари, ақли, идроки, тафаккур кучи ва туйғуларининг бойлиги, чексизлиги, ҳиссиёти ва эҳтиросларининг жушқинлиги олдида ташқи олам рангсиз ва бемажолдир. «Инсон улуг оламдир. Унга қараганда бу олам кичик оламдир», дейилганда ана шуни назарда тутилгандир, эҳтимол.

Дарвоқе, инсон яралибдики, ҳамиша оламини англашга, дунёнинг турфа мўъжизаларини билишга интилади. Бу ҳол унинг мавжудот сифатида ўзига хослигини, идрок этиш ва тафаккурга таяниб яшашни кўрсатади. Инсоннинг барча севинчу шодликлари, қайғую изтироблари, турмуш ташвишларини қамраб олган ички дунёси ташқи олам билан чабарчас боғлангандир.

Шарқда ҳаётга муносабат ахлоқийлик, маънавий изланиш ва комиллик фалсафаси асосига қўрилган. Бу фалсафага кўра, инсон бахту саодат ва эзгулик сари интилиши шу тамойиллар заминида ҳаёт кечириш лозим бўлган ягона мавжудотдир.

¹ Бобур. Девон, 113-бет.

Айтиш мумкинки, Шарқда шакилланган бой маънавийят ва маърифат инсоният тарихининг турли даврларида, турли минтақаларида кескин бурилишларга сабаб бўлган тараққиётга пойдевор яратган. Азалдан бу заминда нодонлик ва хурофот қораланган, маърифат ва тафаккурга кенг йул очиб берилган.

Чиндан ҳам, инсон маърифат ва билимга қанчалик интиلسа, жамият ҳаётининг маънавий қиёфаси шунчалик кўркем бўлади. Шунинг учун аждодларимиз ҳамма вақт етукликка интилиб яшашган. Комилликни орзу этган киши улугланган, бунга қаршилиқ қилган ҳар қандай кимса ва тўсиқлар қораланган.

Бежиз эмаски, Бобур Мирзо:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ургангали илм толиби илм керак,-

деган эди.

Ҳеч қандай фикр ва ўй талаб этмайдиган меҳнатга маҳкумлик нодонликнинг ибтидоси, инсонийликнинг интиҳосидир. Ҳаёт мўъжизаси, қадрияти, олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, ўтмиш ва истиқбол олдидаги масъулият деган тушунчалар бундай табиатдаги одам учун бегонадир.

Мамлакатимизда замонавий фан ва техникани, санъат ва адабиётнинг ҳамма соҳалари ривожланаётган бугунги кунда маданий меъросга ҳурмат ва эътибор ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу мероснинг ўлмас намуналари нашр этилиб, ўрганилмоқда, оммавийлаштирилмоқда. Чунки ўзбек фани ва маданияти ўтмиш фан ва маданиятининг анъаналари асосида камол топиб, янгидан-янги ютуқларни қўлга қиритмоқда.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихга эга бўлган маданий мероси ҳақида гап борганда, улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Заҳириддин Муҳаммад Бобур қолдирган адабий мерос алоҳида кўзга ташланиб туради. Бобур Мирзонинг инсонпарварлик гоялари билан сўғорилган бадиий баркамол асарлари бугун ҳам ўзбек халқининг, дунёдаги барча тинчликсевар ва адолат учун курашаётган халқларнинг юксак орзу ва интилишларига хизмат қилмоқда. Муҳаммад Бобур тимсолида жаҳон аҳли инсон фаолияти қирраларини, инсон тафаккурининг чексиз имкониятларини яна бир марта намойиш этганлигининг гувоҳи бўлмоқда.

Бобур Мирзо улуглаган комиллик-эзгулик ва гўзалликнинг, яхшилик ва ҳамжиҳатликнинг, ўзаро иттифоқлик ва оқоилишликнинг буюк тимсолари сифатида бутун инсоният қалбида ифтихор туйғусини уйғотади.

Забардаст шоҳ ва шоирнинг илм-маърифат тарғибига махсус эътибор билан қарагани таҳсинга сазовор. Бу бежиз эмас, албатта. Тарихдан яхши маълумки, Бобур маърифатли оила фарзанди эди.

Унинг болалигидан илмга, турли фан асосларига пухта ўрганишга киришгани бежиз эмас.

Бобур буюк истеъдод эгаси сифатида илм-маърифатли, вафо ва садоқатли кишиларни улуглайди, уларни мадҳ этади. Буюк санъаткор асарларида буни тасдиқлайдиган мисоллар кўп. Бугина эмас, у шахсий ҳаётида ҳам кўплаб истеъдод эгаларини ўз кўмагига олгани, улар ҳақида гамхўрлик қилгани яхши маълум.

У нозик таъб, нозик миждоз ижодкор сифатида ўз атрофининг гўзал бўлишини, гўзалликдан бутун инсониятни баҳраманд бўлишини истар эди. Унинг ўзи поку, кўзи поку, сўзи пок инсонларни қуйлагани бежиз эмас. Айни шундай инсонларгина баркамол, яъни комил бўлиши, комил инсонлар эса жамиятни айниқса, ёшларни тарбиялашда шахсий намуна вазифасини аъло даражада адо эта олиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг алоҳида олинган инсоннинг комилиги жамиятнинг ютуғидир.

Бобур таърифидagi бу ҳолат барчага ибрат бўла олади. Шоирнинг ёзишча, одам оламга келгандан сўнг, ўзини-ўзи тарбиялаш билан шугулланмоғи лозим. Шунда у ўзининг нуқсонларини қўриб, уларни йўқотиш учун ҳаракат қилади. Агар инсон ўз нуқсонларини сезса-ю, аммо уни йўқотиш, бартараф қилиш ҳақида бош қотирмаса, ўйламаса, у ҳеч қачон камолат чуққисига кўтарилмайдиган.

Заҳириддин Бобурнинг буюклиги шу ердаки, унинг илмий ҳафизаси бир инсон, бир мамлакат доирасидагина чекланиб қолмаган. У бутун жаҳон донишмандлари қаторидан жой олгандир. Бобурнинг инсон деган сўзи буюк элнинг ҳаёти ва ижоди билан чамбарчас боғлиқдир. У давлат арбоби, инсонларнинг гамхўри бўлиши билан бирга, ўз шахсий ҳаётида ҳам чин инсон эди. Унинг лирик шеърларида, илмий асарларида ҳам шу гоё сезилиб туради.

Буюк шоир шеърлятида тор миллий доиралардан юқорига кўтарилгани яққол кўзга ташланади. У барча халқларнинг вакилларига адолат кўзи билан қарайди, уларнинг урф-одатларини ҳурмат қилади, жамият аъзоларини мансабига, давлатига қараб эмас, инсоний фазилатларига қараб ардоқлайди. «...Унинг саройида ҳар хил диний эътиқоддаги, янги фикр, мулоҳазаларни изҳор қиладиган ёки янгиликлар очган одамларни учратиш мумкин эди»,- дейди Неру.

Дарҳақиқат, у яратган лирик қаҳрамон ирқий, жинсий, миллий, диний айирмаларга парво қилмайди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, шоир шеърлятининг комилик меъзони – инсоний фазилатларидир.

КОМИЛ ИНСОН БОШ ГОЯ СИФАТИДА

Комил инсон – бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу кароматлардан сероб,

сурату сийрати саранжом, қалби эзгу туйгуларга лиммо-лим покиза зот...

Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси.

Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ, шу билан бирга, ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир. Комилликнинг олий белгиси Ҳақ йулдан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари билан қанчалик одамларга наф келтирса, ёмонларни тўғри йулга солса, Ҳақ йулида фидо бўлса, у шунчалик комилдир¹.

Комил инсон гоёси – ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос юксак маънавий ва жисмоний мукаммалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб гоё.

Ўзбекистон ўз истиқлолига эришгандан сўнг, жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш, инсон омилига катта эътибор бериш мамлакатимиз олдида энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига, қўйилиши ҳам мозийнинг қўп асрлик сабоқларига, жамият олдида кўндаланг турган янги вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндашишнинг қуринишидир.

Миллий гоёмизнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборатдир. Комил инсон эса, бу озода шахс, эркин фикр этувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир. Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, «бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йулдаги асосий таянчимиз инсондир.

Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Бу нарса, айниқса, ёш авлодга тегишли»².

Комил инсон гоёси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардуштийликнинг эзгу мақсадлар мужассамлашган обидаси – «Авесто»да ҳалол меҳнат, яъни эзгу сўз, эзгу амал, эзгу фикр комилликнинг асосий меъзони сифатида талқин этилган. Комил инсон гоёси ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Фаробий фозил шаҳар аҳолиси ҳақидаги гоёларини илгари сураб экан, шахснинг маънавий комолотини адолатли жамият қуришининг асосий шарти деб ҳисоблаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикри эса жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Бобур фақат янги тариқат асосчиси сифатида эмас, балки туркий тасаввуф

¹ Н. Комилов «Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи» 1996, 143-145 бетлар.

² Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар (маъруза матилари учун материаллар) Т. «Янги аср авлоди», 2001, 131-бет.

шеърятининг ижодкори сифатида ҳам такрорланмас ва унутилмас тарихий вазифани адо этган эди! Унинг асарлари халқимизнинг чинакам адабий мулкига айланди. Бобур Мирзо Алишер Навоир ижодини чуқур билган ва жумладан, «... ҳеч ким онча кўп ва хўш айтгон эмас»¹, – дея юксак баҳо берган. У узига замондош ижодкорларга баҳо беришда ҳам худди шу жиддий масъулият ва талабчанлик нуқтаи назаридан ёндошган. Бу жиҳатдан, унинг темурийзода Султон Маҳмуд Мирзонинг шоирлик фаолияти ҳақидаги мана шу сўзлари характерли: «Таъби назми бор эди. Вале шеъри бисёр суст ва бемаза эди. Андорқ шеър айтқондин айтмагон яхшироқдур»².

Шеърятни қадрловчи, унинг ижтимоий ролини жуда муҳим деб тушунувчи шахсина, бундай кескин ҳукм чиқариши мумкин.

Бобур Мирзонинг фаолияти фақатгина унинг мислсиз жасорати, қомусий билими билангига эмас, балки ахлоқий етуклиги, аждодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш, катта-кичикка эҳтиром кўрсатиш борасидаги ҳаракатларида ҳам кўзга ташланади. Айнан мана шундай хислатлар шоир шеърятининг лирик қаҳрамонига ҳам хосдир, яъни унинг шеърларида ҳам мана шундай хислатлар нафаси уфуриб туради.

Бобур лирикаси мавзу жиҳатидан бой ва хилма-хилдир. У ҳаёт шодликлари, севи ва садоқат, илм-маърифат, халқимизнинг азал-азалдан ажойиб одатларидан бўлган юртга муҳаббат, онани, Ватанни севиш ва ардоқлаш, ёлгон гапирмаслик каби гоёларни куйлайди ва атрофидагиларининг ҳам шундай эзгу хислатларга эга бўлишини хоҳлайди.

Мураккаб ва зиддиятли ҳаётда кураш йулини босиб ўтган, турли хил фазилатларга эга бўлган шоир – Бобурнинг ўзи бу лириканинг марказий қаҳрамонидир. Бобур лирикаси инсон руҳий кечинмаларининг хилма-хил ҳолатини, унинг қирраларини қамраб олади, ҳаётнинг турли масалаларини таърифлайди. Унинг ижодига ҳақиқий инсон юқори погоналарда туради, улугланади. Комил инсон, ахлоқ, тарбия, маърифатпарварлик, яхшилик қилиш гоёларини илгари суради.

Шоҳ Бобур волидасини эъзозлайди, ёр олдига бош эгади, диний хайрихоҳлик ва ҳамкорликни устун кўради – унга шиа ҳам, сунна ҳам, мусулмон ҳам, маъжусий ҳиндулар ҳам тенг одамзо.

Бобур Мирзо Шарқнинг инсонпарвар шоирлари изидан бориб, одамлар орасида меҳру вафо уруғини сочишга, яхшиликка бутун вужуди билан интилади. Теварагига олимлар, санъаткорлар, шоирлар, меъморларни тўплайди, мунозаралар ўтказди. «Ақл ва илмлар денгизи» Улуғбек Мирзони улуглайди, шоирлар шоҳи Навоийни кўкларга кўтаради.

¹ Бобур. «Бобурнома», 233-бет.

² Бобур. «Бобурнома», 26-бет.

ЁР ВА ДИЁР ТАРАННУМИ

Бобур лирикаси мавзу жиҳатидан ниҳоятда бой. Шоир унда ҳаёт ва инсон қисматига оид жуда кўп фикр-қарашларни, ҳис-туйғуларни инкишоф этган. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Бобур шеъриятининг марказий мавзуси-ишқ. У муҳаббатнинг оташин куйчиси сифатида ишқий кечинмалар, ҳижрон дардлари тасвирига кенг ўрин берган. У чинакам инсоний севгини, ҳажр азобларию висол шавқини куйлар жан, тилнинг жозибadorлиги, услубнинг раволигига, соддалигига алоҳида эътибор беради.

Ҳаётни ғам-алам ва ҳасрат-надомат билан эмас, балки шодлик ва қувноклик билан, бахт-саодат билан ўтказишни тарғиб этади. Севгига инсон ҳаётининг табиий бир хоссаси деб қарайди, ҳижрондан, айрилиқдан изтироб чекади, ёр висолига ошиқади. Чунки ошиқ, шоирнинг лирик қаҳрамони-вафодир. Шу боис у маъшуқа ситамларига бардош беради, ҳижрон ва унинг ғам-аламларидан сўнг, саодатли дамлар келишига, ёр висолига мушарраф бўлишига, умид билан яшайди. Яшашдан, севгидан мақсад ҳам, аслида шу. Севги ва севгида сабр, севгида ишонч ҳаётнинг мағзи-мағзини, демакки, айни бош масала ҳаётсевар ва инсонпарвар Бобур лирикасининг, инсоний севги ва садоқатнинг оташин куйчиси бўлган шоир шеъриятининг маъно-моҳиятини ташкил этади.

Ҳаёт лаззати ва шодликни куйлаган шоир севгини ҳаёт ва шодликнинг манбаи, унинг муҳим узви деб билади. Ҳаётчанликсиз, севгисиз ҳаёт шунчаки бир ҳаёт, эҳтиросдан бегона бир ҳаёт. Унда на севгининг завқи, ва на висолнинг шавқи бор. Мутафаккир ва мураббий Бобур шеърияти эса ҳаётий шеърят. Унда, таъкидлаганимиздек, ҳаёт, у билан боғлиқ инсон, инсоний севги тараннум этилади, тарғиб қилинади. Демак, Бобурнинг лирик қаҳрамони - ҳаётсевар инсон. У шодликдан ошиқликни устун қўяди. Унинг наздида маъшуқа-шоҳ, ошиқ эса қул. Маъшуқа-устун, ошиқ-нигун, маъшуқа-қуёш, ошиқ гўё тун. Ёрнинг кўрки ва фасоҳати билан хуршид ҳам, шаҳд ва шакар ҳам, гул ҳам, сарв ҳам, жаннатул маъвою тубо дарахти ҳам, Хизр сувию Масиҳнинг сузлари ҳам тенглаша олмайди.

Ошиқ шоир ёрни бутун қалби билан севади, унга самимий эҳтиром кўрсатади ва камтарлик билан ўзини севги бобида забун ва маъшуқа олдида ожиз деб билади:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурумен,
Сен шуласену ул шулага мен кулдурумен.
Нисбати йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурумен¹.

¹Бобур девон. 97-бет.

Бобур шеърларида тараннум этилган севги туйгулари ҳароратли, самимийлиги билан ҳам ажралиб туради:

Рафтори-ю қаддига равоним садқа,
Бир боқишига икки жаҳоним садқа.
Оғзи-ю белига буду нобудим сарф,
Кузи-ю лабига жисму жоним садқа¹.

Кўриниб турганидек, мавзу муҳаббат ҳақида. Бу ерда «садқа» сўзи радиф бўлиб келмоқда.

Энди мисралардаги фикр ва мазмунни англаб олишга ҳаракат қилайлик. «Рафтор»-юриш, «равон»нинг маъноси ҳам айнан шундай. Унинг яна бир маъноси («равон»нинг) жондир, яъни юриш ва қадди-қоматига жоним фидо бўлсин, дейилмоқда. Иккинчи мисрада эса, «бир», «икки» сўзлари орасида зиддик бор (тазод). Бунга оз кўп маънолари сингдирилган. «Икки жаҳон» - исломий тушунчага кўра икки дунё (фоний ва боқий дунё) бор.

«Боқиш» ва «жаҳон» сўзларида ҳам маълум боғланиш топиш мумкин(жаҳонга боқилади).

«Буду нобуд» бор-йўқ дегани. Шоир машуқанинг оғзи ва белига бор-йўғини бағишламоқчи, гўзаллиги учун, албатта. Туртинчи мисрадаги кўз-жисм, лаб-жон боғланишларида теран мазмун бор. Масалан, кўз жисм (тан)да жойлашган, кўз гузал қоматга тушганда яшайди, лаб (бўса туфайли) ошиққа жон бағишлайди ва х.к. Демак мисрада сўзлар шу қадар танлаб, барча маъно оҳанглари кўзда тутиб ишлатилганки, бу юксак санъткорликдан нишонадир.

Бобир Мирзо ишқ мавзусини куйлашда ҳазрати Навоийнинг анъаналарини ҳам давом эттиради. Юқоридаги «садқа» радифли рубойси Навоийда:

Ҳам жисминга заъф бўлса жоним садқа,
Ҳам жонинга жисми нотавоним садқа.
Сарвинга шикаста ўлса равоним садқа,
Йўқи-йўққи, сенга жону жаҳоним садқа-

тарзида келади.

Ҳажман қисқагина, 5 байтли:

Шоҳи гулу настарин ёди берур бўйидин,
Атирни мушки хўтан касб қилур мўйидин,
матлаъи билан бошланувчи ушбу ғазалда ҳам ёрнинг таъриф
таъсифи бениҳоят гўзал келтирилган. Сарв дарахти ёрнинг қадди-

¹ Бобур девон. 105-бет.

қомати гўзалигидан, тиклигидан хижолат чекиб, лолалар ҳам ёрнинг юзидан ранг олади, дейилади.

Бобур шеърятининг катта бир қисми ҳижрон мавзусида бўлиб, уларда ошиқнинг ҳижрондаги ўтли нолалари, изтироб тўла кечинмалари баён этилган. Бу ҳақда шоир шундай дейди:

Ҳажринг ғамидин ўлғум, қаро кўз,
Юз гуссау андуҳ ила борғум, қаро кўз.
Васлинг била қилмадинг иложин, Бобур,
Мушкулжи фироқингда тирилғум, қаро кўз.

Бобур лирикасининг гўзал намуналаридан бўлган «Қолдим» радифли газалида ҳам мурувватсиз, шафқатсиз ёрнинг жабр-жафосидан шикоят берилган. Ва лирик қаҳрамоннинг сўнгсиз надомати, шикояти газалнинг учинчи байтида кучайиб, ўзининг ҳадди аълосига етган:

Мени ўлтурди жафоу жавр бирла ул қуёш,
Эмди турғузмак учун меҳру вафоси қолдимۇ?

Шоир фақат ёрдан шикоят қилиш билангина чекланиб қолмайди. Аксинча, ошиқона газалларида, бошқа жанрдаги шеърларида яшаган муҳитидан норозилик кайфиятини ҳам тажассум этади. Масалан:

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдимۇ,
Хаста кўнғлум чекмаган дарду балоси қолдимۇ?

Хассос шоир ҳар сафар ёрнинг ҳусн-жамолини ва хулқ-атворини таъриф-таъсиф этганида бир-биридан гўзал тимсоллар, иборалар топади. У севги билан шод ва бахтиёр бўлишни истайди. Ёрнинг висолига ошиқади, унинг меҳр ва мурувватига умид тутайди. Бироқ фироқ уни жабрлайди, ҳижрон уни ўртайди, ёрнинг «илтифотсиз»лиги бағрини эзади. Ҳижрон ғами ошиқнинг оҳ тунини кукка кўтариб, кўз ёшини селоб қилиб оқизади, натижада «йўл балчиқ», «кеча қоронғу» бўлиб ошиқ ёрига тамон йўл ололмайди:

Ҳажрингда бу тун кўнғулда қайғу эрди,
Васлингга етишмадим, жиҳат бу эрди:
Оҳим туни бирла кўзимнинг ёпидин,
Йўл балчиқ эди, кеча қоронғу эрди¹.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур муҳаббат, висол, ҳажр тушунчаларини диалектик бирликда, вобаста деб билади. Ҳажрсиз

¹ Бобур, Девон, III-бет.

висол лаззатини тушуниш, унга етишипнинг мушкуллиги билан шоир қуйидаги хулосага келади:

Гарчи оламда висол айёми дилқандур ахий,
То билингай васл қадри ҳажр ҳам хашдур, ахий¹.

Шоир лирикасида ватан ҳажри, лирик қаҳрамон ва машғуланинг ички дунёси, умуман, дунё, ҳаёт фалсафаси, май, адolat, рашк, рақиб каби мавзу ҳақида илмий доирада анчагина фикрлар билдирилган. Худди ана шу мавзулар замирида Бобурнинг ҳаётини ва ҳаққоний тасвирлари ётади. Шу билан биргаликда, ҳаётга муҳаббат, дунё лаззатларидан баҳраманд бўлиш, ҳаётни куйлаш, унинг гузалликларини ва шодликларини васф этиш ҳам анча кучли эканлигини курамыз.

Ватанпарварлик – инсоннинг ахлоқий эътиқод доирасида мансуб энг муҳим фазилатларидан бири. Ватанпарварлик туйғуси орқали шахсни ахлоқий шакллантириш таълимнинг, тарбиянинг, хусусан, сўзининг, сўз санъатининг бош омили ҳисобланади.

Ватанпарварлик – бу ўзимиз яшаб турган она-ерга, унинг гузалликлар оламига, барча бойликлари, унинг набобату ҳайвонот дунёсига муҳаббат, уни севиш, Ватанни севиш, унинг мустақиллиги, дахлсизлиги, равнақи ва келажаги ҳақидаги тушунчаларни ёшлар онгига синдириш, демак. Ватанпарварлик она-Ватаннинг тарихини билиш, унинг тили, маданиятига муҳаббат, шуларга оқибатни тарбиялаш ҳамда унинг равнақи-тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишдир.

Мумтоз адабиётимизнинг беназир ва бетакрор вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур ватан ҳақидаги қарашлари, асарларидаги ватанпарварлик гоялари ўзининг таъсирчанлиги, мазмунининг чуқурлиги билан ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, унинг бемисл бойликларига, аҳлига оқибат туйғуларини тарбиялашда катта хизмат қилади. Бобур Мирзо дунёнинг буюк шарқшунос олимлари, давлат арбоблари томонидан «Шарқ Цезари» ёки «Ўрта аср шарқшунослигининг Ҳерадоти» деб тан олинган қомусий билим эгаси, серқирра ижод соҳиби, дунёнинг машҳур олими ва шоири, давлат арбоби ва буюк саркардаси бўлиши билан бир қаторда, энг аввало, она-юртига чуқур эътиқодли фарзанду анжуманд, шу билан бирга, кўп юртларни кезиб, уларни обод қилган чин маънодаги юртпарвар инсонпарвар зот. У ўзига ато этилган умрдан, имкониятдан оқилона фойдалангани ҳолда нафақат Турон замин аҳли учун, балки Эрон замин ва Ҳинд замин аҳли учун, алахусус, табаррук қадами етган мамалакатлар ва уларда барча миллат, мазҳаб аҳли учун ҳам наф келтирган, кўплаб ибратли ишларни мислсиз

¹ Бобур. Девон, 150-бет.

жасоратлару маърифат-маънавият учун, тараққиёт учун хизмат қилувчи хайрли амалларни адо этган буюк инсондир.

Бобур Мирзо буюк бобокалони Амир Темурни давлатчилик сиёсатиға қаттиқ амал қилган, тажрибасида унинг тузуқларидан фойдаланиб, уларни ижодий дэвом эттирган.

Бобур кейинчалик фарзандларига ўзидаги шижоатнинг ўтишини васият қилади, фарзандларига ёзиб қолдирган мактубларида ҳам уларға қимматли маслаҳатлар билан мурожаат этади, уларни аҳил булишға, бирликка, шижоатлиликка, қатъиятлик билан маслаҳатли иш қилишға ундайди. Чунки шоҳ ва шоир Бобур Мирзо ватанидан айро тушиб, унинг қадрини билган, элини унутмаган, умрининг охиригача ўз юртиға қайтишдан умидини узмаган эди:

Хазон япроғи янглиғ, гул юзинг ҳажрида саргардим,
Куруб раҳм айлагил, эй лоларуҳ, бу чеҳраи зардим.
Сен эй гул, қуймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Оёгингга тушуб барги хазондек мунча ёлбардим...
...Не толедур мангаким ахтари бахтим топилайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.
ё улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзимни чун ямон, яхшидин ўткардим¹.

Демак, Бобур Мирзонинг ҳижрон мавзусидаги шеърятининг ҳаммасини ҳам ишқ мавзуси билангина, яъни маъшуқадан айрилиқ оҳанглари сифатида талқин этиб бўлмас экан. Чунки шоир ҳаётидаги аламли ҳолатлар, ватанидан жудолик кечинмалари ҳам асосан, ҳижрондан шикоят тарзида баён этилган.

Қуйидаги рубоийда ҳам худди шундай ҳолат кўзға ташланади:

Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладур,
Гурбат бу азиз умримни кам қиладур.
Не нафъ битай фироқу гурбат шарҳин,
Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур².

Шеърнинг руҳи одатда шоирнинг аҳволи – руҳиясига боғлиқ бўлади. Чунки мисралар йигласа, ун тортса – бу аслида шоирнинг йиғлагани, шоирнинг фарёд чеккани. Ҳақиқатда ҳам чин шоирнинг сўзи доимо аҳволиға мутаносиб бўлади.

Бобурнинг кўпгина шеърлари бевосита унинг кураши ва сиёсати, галабаси ва мағлубиятининг ёрқин ифодасидир. Шоирнинг лирикасидаги ватан иштиёқи, унинг мураккаб ҳаёти ва кураш йули, шодиёна ва аламли саргузаштлари билан бевосита боғлиқ.

¹ Бобур. Девон, 44-бет.

² Бобур. Девон, 78-бет

Бобур Мирзо «Неларки бошимга келмади даврондин», деб уқсийди. Аммо, у «даврондин» не уқубатлар, толесизликлар кўрган «бир йўла хонумондин» айрилган бўлса ҳамки, Мовароуннаҳрни қўлга олиш – салтанатни тасарруфига ўтказиш ниятидан қайтмайди, Темурийлар сулоласини ҳалокатдан қўтқариб қолмоқни истайди. Бироқ бунга эриша олмайди. Мовароуннаҳрда йирик ва мустақкам давлат вужудга келтирмоқчи бўлади, бироқ орзу умидлари барбод бўлади. Фаргона ҳокимияти ҳам қўлдан кетиб, у сарсон-саргардон бўлди. Мана шу оғир кунларда ёзган бир маснавийсида Бобур шундай мисраларни битади:

Бир неча хотирим мушавваш эрди,
Кўзда сув кўнглум ичра оташ эрди.
Даҳр ишидин фиғон қилур эрдим...
...Ота тахтида фориг ўлтурдим,
Бал отам кўрмагани мен кўрдим¹.

Бобур қайта курашга кирди, ғалабага умид қилди. У Шайбонийхон билан жангда чекинишга мажбур бўлди, ҳалокат ёқасига яқинлашиб қолган темурийлар салтанатини қўтқариб қолаолмади.

Кўнгли тилаган муродга етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,
Бошин олиб бир сориға кетса киши²,-

деган Бобур «кўнгли тилаган муродга» етолмаганидан «бошини олиб бир сориға кетишга» мажбур бўлди. Афғонистонни эгаллаб, бу ерда йигирма йилдан ортиқ муддат тахт тебратди. У Шайбонийхон вафотидан сўнг, Самарқандни эгаллаган бўлса-да, аммо ҳокимиятни барқарор этолмай, яна орқага чекинди. Ҳиндистон императори Иброҳим Лудий устидан ғалаба қозонгунича қилич серлаб, сўришга мажбур бўлди.

Бироқ, у умрининг охирига қадар тугилиб ўстан диёридан кўнгли узолмади. Ватан туйғуси, Бобур учун сўнгсиз умид, учқур хаёл бўлиб қолди. Бир муддат бўлсин, унинг хаёли севимли юртини тарк этмас, ватан жудалиги бутун умр унинг қалбини эзар эди. Бобур димо ўз юртини эслаб қайгу чекади, она-диёридан ажралганига афсус-надо мат қилади:

Беқайд мену хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йигиштирур лаим эрмасмен.

¹ Уша асар, 144-бет.

² Уша асар, 108-бет.

Кобулда иқомат этди Бобур дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқийм эрмасмен¹.

Бобур Мирзониини Ватанига қайтиш орзуси ушалади. Салтанат уни умр буйи чет элга боғлаб қўйди:

Купдин бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Лекин, боруримда ихтиёрим йўқтур²,-

деган эди. Бобур чет элда узини, бир томондан, катта давлатнинг ҳукмдори, иккинчи томондан ёр-диёридан жудо бўлган бир гариб мусофир бўлган бир киши деб ҳис қилади. Юртида жанлигида унинг салтанати, мустаҳкам давлати йўқ эди. Мустаҳкам ва катта давлатга эга бўлганида эса юртидан мосуво бўлди. Давлат, салтанат Бобур қалбидаги Ватанига, она-тупроғига, халқига бўлган меҳр-муҳаббатни енга олмади. Салтанат ва давлатни ўз диёрида барпо эта олмаганидан ҳасрат-надомат чекади. Унинг қатор шеърларида ушбу ҳолат ўз ифодасини топади:

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кишини меҳнатда киши.
Кўнглум бу гарибликда шод ўлмади, оҳ,
Гурбатда севунмас эмиш, албатта, киши³.

Бобур шеъриятида Ватан образи асосий ўринни эгаллайди. У қаерда бўлмасин ўз ёру диёрини эслаб, ватан соғинчида ўртанади. Шоир назарида ватан-севимли ёр-маъшуқа қиёфасида ҳам гавдаланади:

Эй боди сабо, айла Хуросонга гузар,
Мендин дегил ул ёру паришонга хабар,
Неча сафар ўз кўнглунг учун қилгайсан,
Эмди бизнинг учун айла бу ёнга сафар⁴.

Шоир ёрни диёрга, ёр ҳажрини диёр фироқига тенг қўяди, бу икки образни-«ёр» билан «диёр»ни кетма-кет тизади ёки бири орқали иккинчисини ифодалайди, диёрсиз ёрни, ёрсиз диёрни кўз олдига келтира олмаydi. Ёридан жабр, диёридан жафо куради, шунга қарамай, ёрини соғинади, диёрини қумсайди.

¹ Уша асар 96-бет.

² Уша асар 34-бет.

³ Уша асар 108-бет.

⁴ Уша асар 81-бет.

Диёри ёрдин Бобур жафоу жавр кўп кўрди,
Хуш улжим ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса¹.
Кўпдин бериким ёри диёрим йўқдур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқдур².

Шундай қилиб, Бобур лирикасида ёр ватан, диёр образининг синонимига айлантирилади. Шоир ватанни «ёр» образи орқали васф этиб, ундан жудалик жафоларидин нола чекади:

Неча бу фалак солгуси гурбатга мени,
Ҳар лаҳза тугангусиз машаққатқа мени,
На чора қилай, нетайки, тенгри гўё,
Меҳнатни манга ёр этти, меҳнатқа мени³.

Шоир ватан висолига етмоқ иштиёқи билан баъзан умидли баъзан ноумид, баъзан масрур, баъзан маҳзун ҳаёлларга борар, бунга ҳаёлларни, кўнгил дардларини ҳазинлик билан шеърга соларди:

Толе йўқи жонимга баюлиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қуйиб ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Шоир гоҳ дунёнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган киши сифатида фалсафий мушоҳада юритади, одамларни яхшилик қилишга чорлайди, гоҳ тақдирнинг аёвсиз зарбаларига чидай олмай, эл-юртдан бош олиб чиқиб кетмоқчи бўлади.

Хулмас, шу тариқа инсонга хос қувонч ҳам, ғам ҳам шоир шеъриятида бирдек маъно, моҳият касб этади. Бу ҳол ўз-ўзидан унинг ҳаётийлигини, инсонийлигини таъмин этади. Албатта, бунга Бобурнинг бир умр ватанидан айро тушгани, унинг сўнгсиз соғинчу аламлари сабаб бўлган. Шу жиҳатдан қуйидаги газали алоҳида аҳамиятга эга.

Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида саргардим,
Кўруб, раҳм айлагил, эй моларуҳ, бу чеҳраи зардим.
Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёгинга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.
Латофат гулшанида гул каби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.
Хазондек қон ёшим сариг юзумдин эл танафурда.
Баҳор ранги, биҳамдилаҳ, улусдин ўзни қутқардим.
Не толедур мангаким ахтари бахтим топилмайди,

¹ Уша асар, 78-бет.

² Уша асар, 81-бет.

³ Уша асар, 107-бет.

Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.
ё улуснинг таъну таърифи манга Бобур, баробардур
Бу оламда ўзумни чун ямон, яхшидин ўтқардим.

Шеърда ватан соғинчи ифодаланган. Бунда шоир куз манзарасини, она-табиятини сўлгин манзарасини, шу билан ҳамондан лирик қаҳрамон ҳолати кайфиятини очди, тасвирлайди. Муаллифнинг муносабати ва шарҳлари шеърдаги соғинч ва дардини, Ватандан айрилиш фожиясини кучайтириб боради. Куз, хазон умрнинг сўнгидан нишона. Умрим «ажабр» (айрилиқ) ингда ўтди, дейди. Шоир ва «оларуҳ» (оло юзли)дан аҳволини куриб, раҳм қилишини сўрайди. У эса парвосиз «саркаш» (ўз ҳуснига ўзи маст), чунки у сарвдек гўзал ва безавол, хазон офатига бегона, ҳамиша ям-яшил. Ким у «оларуҳ», сарв-чи? Нега шоирнинг лирик қаҳрамони унинг оёғига барги хазондек тушиб мунча ёлворади?

У Ватан! Фақат ватангина безавол, абадий яшиллик масканидир. Фақат у инсон учун тенгсиз. Ватанни, она дёрни, ҳеч бир нарсага алмаштириб бўлмаганидек, уни ўзга бир нарсага мингзатиш ҳам мумкин эмас. Чунки бу – Ватан, инсоннинг киндик қони тўкилган маскан... Ватан – собит, авлодлар эса келиб-кетав ерадилар.

Ғазалнинг учинчи байтида дунё боғидан гўё хазон баргидек кетаётган шоир Ватан дарахтининг бир умр «сабуз хуррам» (яшил ва кўркам) қолишини дил-дилдан истади.

Тўртинчи байтда саргайиб узилган барг тимсоли яна давом этади. Кузнинг сариқ-қизил ранглари «юз» ва куз ёш (қон ёш)га қучирилади ва улардан элнинг нафратланаётганлиги («танфурда») тилга олинади ва лирик қаҳрамон улардан узини қўчқара олганига шукрона айтади.

Дунёнинг бу ёғидан кириб у ёғидан чиқдим, қисмат китобларини бирма-бир варақладим, йўқ, бахт юлдузим («ахтара бахтим») топилмади, «бахт қандай толе бўлди?» деб савол қўяди.

Ғазалнинг мақъаъи (сўнги байтида) ўзининг Ватан ҳақидаги вистак ва эътиқодидан зарра қадар қайтмаган, очиқ юз, очиқ кўнгли, танга ва жумард Бобур бутун борлигича, аҳдида собитлигича намоён бўлади.

Халқнинг таънаси ҳам, таърифи ҳам мен учун аҳамиятсиз, чунки яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам керагидан ортиқ кўрдим, дейди у. Шоир шеърда маъно жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши «ўз ва ибораларни, фикр ёки ҳолатни аңглашиб, айтмоқчи бўлган гаҳининг таъсирчан чиқишига эришади. Хазон яфрои, гул юз, олоруҳ чехраи зард (сариқ), таъна-таъриф, яхши-ёмон каби.

Маълумки, «гул» сўзи кўпинча «юз» сўзи билан ёнма-ён ишлатилади. Ўз навбатида «гул» маъно жиҳатидан барг, гулшан, бог сузларига яқин. Шоир шеърда мана шундай сузлардан, уларнинг маъно ўхшашликларидан усталик билан фойдаланади.

Яна бир ўринда шоир ўз ватанини рамзан севикли ёрга,
баъзан Хитой санамига, баъзан уни хушқоматини сарв дарахтига
ухшатади ва унга мурожат қилиб шундай дейди:

Гурбатга солди чарх мени юз жафо била,
Ёд айламайин гарибни гоҳи дуо била
Беҳат вафоу меҳр сенга кўрсатиб эдим,
Сен ҳам соғингасен меҳри вафо била.
Чун қилди мени у бути чин зору мубтало,
Ишим менинг қолибтурур емди Худо била.
Кўрмон фараҳни бир домагар андин айрумен,
Билмон аламни бормен анинг бирла то била.
Ул сарвга қарам қилибон еткур, эй сабо,
Бобир ниёзини ер утуб хуб адо била¹.

Бобурнинг газалчилик маҳоратини унинг сўнги газалларидан
деб тахмин қилинган «Гурбатда ул ой ҳажри мени пир қилибтур»
шеъриси янада яққолроқ кўринади. Бу газал:

Гурбатда ул ой ҳажри мени пир қилибтур,
Ҳижрон била гурбат менга таъсир қилибтур,

- матлаъи билан бошланади.

Ёрдан айрилиб яшамоқ азоби мени қаритди, ҳижрон билан
гурбат ўз таъсирини кўрсатди, деб бошлайди, шоир. Лекин ҳеч қачон
унга етишиш орзусидан кечмайди, аксинча, ҳаминша шу умид билан
яшайди.

Тангри пешонамга нима ёзганини билмайман, лекин қазойи
қадар етунча-ўлунча унинг билан кўришиш ҳаракатини қиламан,
дейди.

Мақдур борича қилурам сатъи висолинг,
То тенгрини билмонки, не тақдир қилибтур.

Ҳеч бир нарса Ватанни ўрнини босолмаётганини ҳам шоир
ошкора айтади:

Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур,
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур,-

деган байт билан тугалланади, яъни Бобур шу қадар йироқда қолиб,
узоқда яшаб ўлмади, эй ёр. Ҳолбуки у сенсиз алақачон ўлиши керак
эди, ўлмади!

¹ Уша асар, 17-бет.

Сен унинг бу гуноҳини кетир, афу эт!

Бу уринда ҳам ёр-диёр мавзуси синоним қўйилади.

«Ул ой» (Ватан) дарди шоирни шу қадар ларзага солади. Дарҳақиқат, Ватан иштиёқи, гурбат изтироби Бобурга қадар ҳеч бир шоирда бунчалик ёрқин ва бетакрор ифодаланмаган эди.

Бобур мағлубиятини ҳам, Афғонистон ва Ҳиндистонга йўл олиши ва бу ўлкаларни эгаллаб, у ерларда қолиб кетишини ҳам «тақдирнинг иши» деб тушунади:

Дема Бобурга нетарсен бош олиб кетмакни,
Тенгрининг хости мундоқ эмас мен нетаймен.
Тақдирдур ул ёну бу ён солгучи, йўқса,
Кимга ҳавоси Санбалу Татийр қилибтур...

Демак, Бобур диёрини-ватанини иштиёқ билан севади. Бироқ тож-тахт унинг диёрига бўлган севгисини ҳийла чеклаб, маҳдуд қилиб қўяди. Шоирнинг ватанига бўлган муҳаббати халқига бўлган муҳаббати билан уларнинг осойишталиги ва саодати учун кураши билан боғланади. Умрининг охиригача шу ишқ, шу туйғу билан яшайди.

ЭЗГУЛИК ИЛА ИЛМУ МАЪРИФАТ

Маърифатга эришиш, маърифатли бўлиш қанчалик машаққатли бўлмасин, у моҳият эътиборига кўра инсон ҳаётининг мазмунини узида мужассам этади. Буни яхши англаган Бобур ҳам илм-маърифатни қадрлаган ва унга ҳомийлик қилган. Шоир инсоннинг маънавий камолатини, аввало, унинг илм ва дониш соҳиби бўла олганлигида деб билади. Илм ўз-ўзидан бўлмайди, киши фақат ҳавас ва иштиёқ билангина илмга эга бўла олади, дейди. Шунинг учун ҳам у илми урфоннинг моҳиятини эътирос билан қаламга олади:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илми толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Демак, кимки илми бўлса, бу илмни шогирдларига етказмоғи керак, илм истовчилар ўрганмоғи учун ўрганадиган илм бўлмоғи лозим. Мен илм истовчиман, аммо мен ўрганмоқчи бўлган илм йўқ, мендек илм толибларига илм керак, деган гўзал бир гоя ушбу рубойда ўз ифодасини топган.

У фан ва билимнинг аҳамиятини қайд қилади. Инсонлар
чинаккам комилликка эришмоқчи бўлсалар, фан ва билимни
эгаллашлари лозимлигини айтади.

Шоир ўзи ва ўзгаларга қаратиб:

Давлатқа етиб меҳнат элини унутма,
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма

Ёки:

Давлат учун кўнгулни зор этма,
Иzzат учун ўзингни хор этма,

- дейди. Бобур чин инсонийликни тараннум этиб, кишиларни
табиатан софдил ва ҳалол бўлишга ундайди. Мардлик, шижоат ва
гайратни кўкларга кўтаради. Яхшилик қилиш ҳамда саҳоватли
бўлишни талқин этади. Ҳушёрликни фойдалари ҳамда номардликнинг
зарарли оқибатлари хусусида:

Мардона бўл эмди яхшидур иш келиши,
Тангрига сени, эли сенга топширдум¹.

У одамлар табиатида учрайдиган номуносиб хислатларни
қоралайди:

Гарчи зоҳирин тўғри диндур нафс,
Жаълинг уйида ўғридиндур нафс.
Нафс тавсанини ром қил ўзинга,
Қодир ул ҳар ва сўз десанг сўзинга²

Ёки:

Нафс ёғийсин мағлуб этил,
Ишларингни борини хуб этил²

дейди. Ёлгон ва сохталикдан кечиш, тўғри сўз ва яхши амал эгаси
бўлиш инсоннинг қадрини кутарадиган фазилатлардан деб
ҳисоблайди.

Ёлгон сўз ила итоб этарсен,
Юз қаҳр била хитоб этарсен.
Гар ёлғони бўлса, эй дўст,
Шарманда бўлурсен, эй дўст³.

¹ Уша асар, 116-бет.

² Уша асар, 109-бет.

³ Уша асар, 107-бет.

Ширинкалом шоир айни нозикликни нафис бир назокат билан ҳис этган, равон ва рангин мисралари бағрига жо қилиб, қолдирган эди:

Ким кўрубтур, эй кўнгул аҳли жаҳондин яхшилиг,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиг.
Гар замонни нафй қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин бу замондин яхшилиг.
Дилраболардин келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиг.
Эй кўнгул, чун яхшидан кўрдунг, ямонлиг асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ямондин яхшилиг.
Бори элга яхшилиг қилгилки, муңдан яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг¹,

Бу каби майин куй ва оҳанг қўйнида уша дарду ҳасрат тўла мисралар ҳали-ҳануз яшамоқда, яшаб қолади ҳам. Зеро, самовий кенгликлар оша қулоққа чалинган айни дилкаш қўшиқ киши руҳини қамраб олиши, шубҳасиз. Инсон руҳида ҳукм сурган беҳарорлик тиниқлашади, бошлар беихтиёр эгилади, зил-замбил тапвишлари елкаларни боса бошлайди. Ўз-ўзидан турли хил саволлар жисму жонга синга боради. Бобур Мирзони йиғлатган, унинг қалбини ғам-андуҳга макон эттирган дунё, унинг нобакор одамлари гирибонидан туттингиз келади. Бобур Мирзо енгилди, сўнгсиз жисмоний ва руҳий зарбалар олди, аммо у бир умр айни ғам-аламлар гирдобига қолиб кетмади. Бобур истиқболга умид-ишонч билан боқди. Яшашнинг курашли йўлини танлади. Улуг саркардаларнинг ростғуйлиги, ҳақиқатнинг аччиқ синовларига дош бериши биз учун ҳам ибрат мактаби, албатта.

Бобурнинг барча асарлари тарих қаватларида қолиб кетса-ю, шу биргина матн кўчирилган шеъри авлодлар қўлига етганида ҳам унинг кўксидан жой олган муштдеккина мўъжизани қалб дея атасак, бу донишманд сиймони чандон камситгандек бўламиз. У қалбни эмас, мутасаввуфлар таъбири билан айтганда, «олам ичра яна бир оламни» – тубсиз маънавий хазинани бағрида кўтариб юрган. Уша хазина эса исломий-илоҳий нурдан баҳра олиб турган. Шундан булга керак, шоир кечирувчанликни, орзу-умид билан яшашни, қатонлардир яхшилик толиб келишини ишонч билан тарғиб этади...

Бобурнинг фикрича, яхшилик – гўё нур, маёқ. У инсон қалбини, унинг ҳаёт йўлини ёритиб туради. Алал оқибат унга шараф келтиради. Бинобарин, «бори эл», яъни барча уни «ахсанта» – яхши дейди, таҳсин айтади. Демак, яхшилик кишига шараф келтиради, унинг номини абадиятга муҳрлайди. Бу – ҳаётдан, мазмунли умрдан,

¹ Уша асар, 73-бет.

янада муҳими – мангуликка муҳрланган саодатли номдан чиқарилган хулоса-ҳукм, унинг бадий инъикоси, чинакам шоирона, мутафаккироно инъикосидир. Айнан Бобирнинг ўзи ҳам ҳаёти давомида шунга амал қилиб яшади. Шунчаки амал қилдигина эмас, балки қатъият билан, бир умр амал қилди. Шунга далолат этиб, кишиларни комилликка чорлади. Агар, биз, буюк бобокаланимиз ҳаётлариغا, улар адо этган эзгу ишларга назар солсак, сўзсиз буларнинг барчасини биринчи навбатда, узлари адо этганликларини, бир умр яхшиликни соғиниб, уни тарғиб қилиб ва уларни адо этиб яшаганликларини кўрамиз.

Халқимизда шундай бир нақл бор: «яхшилик қил, сувга сол, балиқ билар, балиқ билмаса, холиқ билар»,- дейдилар. Ҳар қандай ҳолда ҳам яхшилик қилмоқ керак. Бу Бобур ҳаётининг бош ишораси эканлигини кўрдик. Юқоридаги «Яхшилик» рафидли газалининг ёзилишига туртки бўлган воқеа «Бобурнома» асарида шундай келтирилган: «... Бизга етганда саҳоват била машҳур бўлгон эл хасис бўлур, мурувват била мазкур бўлгон элнинг муруввати унитилар. Хисравшоҳ ким, саҳоват ва қарам била маъруф ва машҳур эрди. Бадиуззамон Мирзога не навъ хизматкорлиқлар қилгони мазкур бўлди.

Яна Боқи тархонга ва ўзга бекларга асру қўл инсоният ва бахшишлар кўрсатти. Икки навбат анинг вилоятидин убурумиз воқе бўлди. Бизнинг абнойи жинсимиз демайки, адо навқаримизга қилгон инсониятни бизга қилмади, балки навқаримизча бизни кўзга илмади»¹.

Бобур Султон Ҳусайн Бойқаро мададидан ва мурувватидан кўз юмгач, ҳафа бўлган ҳолда аввал келтириб ўтганимиз «Яхшилик» газалини ёзади. Ўз яқинларидан ҳам ёмонлик кўрганини эслаб, фақатгина яхшилик қилсанг, яхшилик кўрасан, деган ғояни илгари суради.

У бошқа бир рубоийсида:

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки, жафо қилса жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ямонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топқусидур,²

деди, яхшилик ва ёмонлик ҳақида ҳукм чиқаради. Айни армонли мисралар бизга ҳам замондошдир. Нурли қилиб яратилган дунёнинг юзига шайтони лаъин гард қўндиришга, доимо кишиларни йўлдан уришга тадорик қилади. Шоҳ ва шоир фаолиятида, биз, шайтоннинг ёвуз мақсадига эриша олмаганини кузатамиз. Зеро, у нур ва зулмат курашининг урфига айланиб қолди. Ҳасадгўйлик Одам Ато

¹ Бобур «Бобурнома» 74-бет.

² Бобур. Девон, 78-бет.

фарзандлари вужудида ҳам яшай бошлади. Аслида Бобур Мирзони дилхун қилиб, зор қақшатган ҳам ўшалар эмасми? Дарвоқе, шундай. Уша жароҳатларнинг аламлари, асоратлари мана бу мисралар магзига сингиб кетганини кўрамиз:

Арбоби ҳасадки, дунёдин дур улгай,
Истар севаридин киши маҳжур улгай.
Дрим кўрайин юзунг аро рағми ҳасуд,
Ҳар ким кўра олмаса, кўз кур улгай.

Беш юз йилдирки, мазкур сатрларда нақшланган дард холис инсонлар қалбига озор етказиб келади. Бугун ҳам ундан фориг эмасмиз. Разолатга ёндош бандаларнинг Бобур Мирзо ҳукми ила эълон қилинган жазога мустаҳқиқ жанликлари, шубҳасиздир...

Бировниким бировдин кўнгли қолур,
Киши юз сўз била кўнглини олур.

Бобур яхшиликни куйлаш ва яхшиларга янада яхши бўлиш уғитини беришдагина бизга ҳамроҳ эмас. У ёмонларга қарши курашда ҳам биз билан ҳамкор. Бу жуда муҳим. Ахир бизнинг асрда, бизнинг замонда ҳам у эъзолаган одабийликдан юз утирган беҳаё, беқарор ва бевафолар оз дейсизми? У ардоқлаган меҳнат ва ҳалоликни таҳқирлаб, ўзгалар ҳисобига ялашни афзал кўрган мардорлар барча замонда топилиши табиий.

Юз ямонлик кўруб ондин телба бўлдунг, эй кўтул,
Яхшилиғни кўз тутарсен ул париваштин яна.

Бобур ҳаёти ва фаолиятига назар ташлаб, унинг ҳаёти ҳақиқати жавоҳирини ҳусну хулқ риштасига териб, ширинзабонлик шакарини катта-кичикдан дариг тутмай ва худди обиҳаёт каби барча башариятга тинчлик ва ҳаловат бахш этганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу ҳақиқат башарият билан боқийдир.

ҲАЁТ, ДЎСТЛИК ВА ШОДЛИК

Йиллар, асрлар утиши билан инсон гўзаллиги у ёқда турсин, ҳатто Алл тоғлари ҳам, аста-секин ўз ҳусну тароватини йўқотиб боради. Йиллар шамоли фақат буюк санъаткор ва уларнинг яратиб қолдирган асарлари қаршисида ожиз қолади, ҳалос. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига шу нуқтаи назар билан ёндашадиган бўлсак, унинг ўта мураккаб ва зиддиятли бир даврда ҳам «Бобурнома» дек улкан обида билан биргаликда, ўлмас ва гўзал мавзулардаги лирик шеърлари ҳам буюклик тимсолидир. У ҳаётни

севади, дўстликни улуғлайди, севгида садоқатли бўлишга чорлайди. Одамларни ҳаётни севишга ва қадрлашга, ростгўй, тўғри бўлишга, душманларга ишонмасликка, ўз шахсий манфаати кетидангина қувмасликка, ҳалол, соф кўнгил бўлишга, беъмани моддий бойлик; амалдорлик билан овора бўлиб, мазлумларни, муҳтожларни оёқ ости қилмасликка, мақсадга зўр бериб интилишга, қатъият билан қандай бўлмасин унга эришишга чақиради. Масалан:

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма!¹...

Унинг рубойларида инсоннинг инсонга нисбатан меҳри, дўстлик, ҳамкорлик нурлари балқиб туради. Ҳаёт сабоқларини чуқур идрок этган шоир, кишиларга қарата насиҳатомуз сўзларкан, улар ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишга чақиради:

Аҳбоб, йиғилмоқни фарогат тутунгиз,
Жамъиятингиз борини давлат тутингиз,
Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун,
Бир-бирни неча куни ганимат тутунгиз².

Аҳбоблар билан ўзаро шафқатда бўлиш ва дўстлар билан мувофиқлик ва муросаи мадора йўлини тутиш яхшиликни келтириб чиқарувчи сабаблардан деб билади.

Бобур Мирзо шеъриятида яшамокнинг маъносини очишга интилгандек бўлади. «Жаҳоннинг ишрати нимада?» деган саволга жавоб ахтаради: Хуш, инсон нимадан қониқади, қандай ҳаётга интилиш керак? Тоат-ибодатгами? Қиргинбарот урушларгами? Шону шавкатгами? «Йўқ», деб жавоб беради. Айниқса, унинг шеъриятида лирик «мен» ўта маданий баланд дидли, покиза қалб соҳиби, тўла ҳаётсевар, дўстпарвар ва юксак орзули шахс сифатида гавдаланади.

Санъаткор Бобурнинг ҳаётга муҳаббати, мушоҳадакорлиги, фикри теранлиги насрий асарлари билан бирга, лирик тимсоларида ҳам шоирона юксак ифодаларда кўринади.

Бобур дўстлик, ҳаётсеварлик ва шодлик куйчисидир. Унинг газал ва рубойларида мавжуд ҳаётни севиш, гузал табиатдан баҳра олиш, севгини улуғлаш, инсонга муҳаббат каби кайфиятлар ниҳоятда кўтаринки руҳда ифодаланади. Мана унинг лирикаси учун ва ундаги ҳаётсеварлик учун жуда характерли бўлган бир газал:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.
Ёз фаслида чоғир ичмакнинг узга ҳоли бор,

¹ Бобур. Девон, 104-бет.

² Уша асар, 83-бет.

Кимга бу нашта муяссар бўлса, бордур давлати
Ишқ дардин чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлган унут, юз йилги ҳижрон шиддати.
Дустларнинг суҳбатида не хуш улгай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати
Ҳар бу уч ишни мувофиқ топсанг, ул уч вақт ила
Мундин ортуқ бўлмагай, Бобур жаҳоннинг ипрати¹.

Лирик қаҳрамон ҳаётининг маъносини ана шу соф инсоний интилишларда, эзгу истак ва гузал орзуларда кўради. Бу мисраларда «уч иш»ни, яъни «шеър баҳси», «ишқ дарди», «боданинг кайфияти» ни «уч вақт» билан- «ёз фасли». «ёр васли» ва «дустларнинг суҳбати» орқали ўтказишни ҳақиқий гузаллигини ҳам шунда кўради.

Ғазал ўтмиш шеъриятимиздаги энг етакчи анъаналар асосида битилган. Ва унда муаллиф ҳаётсеварликни, унинг бемисл гузалликларидан, инсонни қадрлашни, нафақат қадрлаш, балки шарафлашни таъсирчан бир тарзда тарғиб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бобур табиатнинг, гузалликлар оламининг, нафосат палласи – баҳор фаслининг эташин куйчиси. Бундай шеърларда шоир табиат кўринишларини инсоннинг руҳий дунёси, унинг ички кечинмалари, инсон ҳолати-ҳоли билан боғлаб инкишоф этади:

Хотирни баҳор фаслида ғашт оладур,
Кўз нурын рангли молаи дашт оладур.
Хуш улки толаларда юруб сайр этса,
Бу фаслким латифу дилкаш толадур².

Бу – гоявий-бадий жиҳатдан гузал, мукаммал бир асар. Унда икки муҳим масала: инсон ва ҳаёт ва аксинча, ҳаёт ва инсон, уларнинг узаро боғлиқлиги, вобасталиги Бобуруна талқин қилинган. Унда ҳаётини маъно бор ва инсон кайфияти, руҳияти тажассум топган. Шоир гўё моладан ранг олиб «латиф, дилкаш» манзара чизади. Рубойини ўқиган киши гўё баҳорнинг хушбўй ва жонбахш нафасини сезади, мафтун бўлади. Юрак «толаларда юриб сайр» этиш ҳавасидан орзиқади. Аслида, маҳорат дегани шу. Маҳорат ҳаммавақт аниқлик билан узвий боғлиқ. Юқоридаги рубой аниқ-мунаввар фикр билан бошланиб, шу асосида хотима топади. Бунга эришишдан эса шоирона фикрлар баёнига таношиб санъати жуда кўп келган. Рубойдаги ҳар бир сўз ўз ўрнида, нақшин-нигор топган. Фикр эса сўзларнинг мустаҳкам алоқаларида ривожланиб боради. Шунинг учун иккинчи мисра биринчи мисранинг, учинчиси иккинчисининг, тўртинчиси учинчисининг, ҳуллас, ҳар бир мисра

¹ Уша асар, 35-36-бетлар

² Уша асар, 79-бет.

олдингисининг мантиқий давоми бўлиб келган ва сўнгиси оқибат хотима тарзида яқун топган. Баҳор фаслидаги ғашт «хотир» билан боғлиқ. «Кўз нури» иборасини лолау даштдан ажратиб бўлмайди. Айни пайтда баҳор фаслидаги «ғашт» бўлмаганда кейинги сатрдаги фикр қанчалик ҳаётий бўлмасин, муаллақ қолган бўларди. Айни фикр, ўз-ўзидан кейинги байтга ҳам тегишли.

Шу тариқа, шоир табиат гўзаллигини куйлар экан, айни бир пайтда, ҳаётининг, дунёнинг ғанимат эканини, ундан унумли фойдаланиш ва баҳраманд бўлиш кераклигини таъкидлайди. Бу борада муаллифнинг фикр-хулосаси шундай:

... Ҳар нимага ғам, ема ғам кўп турур,
Айш билан ўзини овутмоқ керак.
Қўйма машаққат аро, Бобур кўнгли,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак¹.

ёки:

Ҳар нечукдур умрни, Бобур, хуш ўтқармоқ керак,
Ким бу беш кун умри ғамгин бўлгали қилмас гари².

Айрим ўринларда, кўриниб турганидек, шикоят йўналишлари катта ўрин тутсада, ҳаётсезарлик, кўтаринки руҳ Бобур лирикаси учун асло бегона эмас. Шоир ҳаётдаги ижобийликни ҳам кўради, табиат гўзалликларидан завқланади, лолага бурканган даштларни мадҳ этади, «баҳор фаслида далаларнинг латифу дилкаш»лигидан севинч туйғулари жўш уриб, ўзни ва ўзгаларни «сайр этишга» даъват қилади...

Бу, албатта, буюк ҳаётчанлик. Айни хусусиятлари билан шоир шеърияти алоҳида аҳамият, моҳият касб этади...

Бобур шеъриятининг характерли белгиларидан яна бири – бу унинг табиатга яқинлигидир. Хассос шоир қалби доимо табиатга меҳр-мурувват ҳислари билан тўла. Бугина эмас, у табиатдан шеърларига ранг ва жило ахтаради. Дил куйларини табиатнинг серфайз ва улугвор оҳангларига монанд чалиш, табиатни Бобурона эҳтирослар билан куйлаш орзуси билан, уни бетакрор, яъни табиатга хос бўёқларда нақшин-нигор қилиш иштиёқи билан яшайди. Бундай фазилатлар Бобур шеърияти, унинг тенгсиз истеъдоди учун хос бўлиб, худди шу жиҳатлар Бобур номини абадиятга муҳрлайди, меросини ҳаётий руҳ билан таъминлайди.

«Бобурнома»да келтирилган далиллardan маълум бўлишича, табиат манзаларини бағоят жўшқин завқ билан идрок этган шоир, ҳатто ўзининг қатор ғазал ва рубоийларини тўғридан-тўғри ям-яшил

¹ Ўша асар, 50-бет.

² Ўша асар, 33-бет.

дарахтзорлар, молага бурканган қир-адирлар, хазонга қўшилган боғ-роғлар бағрида туриб яратган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи «Бобурнома» да бир қатор қимматли маълумотлар қолдирган. Мана шулардан бири: «Баҳорлар Борон ёзиси ва Чоштуба, ва Гулбаҳор доманаси бисёр ҳўб булур. Сабзаси Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа, хили яхши бўлур, турлук-турлук молалар очилур бир қатла мола анвоини буюдумким, санадилар, ўтгуз тўрт навъ мола чиқти, нечуким бу ерларни таърифида бир байте айтилиб эди:

Сабзау гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,
Хосса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор.

Ушбу сайр келганда бу газални тугаттим:

Менинг кўнғулмки гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса очилоғи на имкондур»¹.

Мазкур далилларнинг яна бир муҳим томони бор. Юқорида келтирилган икки байт шеърнинг биринчисида шоир манзара тасвирини бериб, шу орқали ўқувчи ҳис-туйғуларини ҳароҷатга солади. Кейинги байт бошқача мақсадга эга. Унда шоир табиатга боқиб туриб, қалбига нигоҳ ташлайди. Табиат таъсирида туғилган субъектив эҳтиросларни, яъни «Гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ қон»га ботган кўнгул дардини тасвирлайди.

Шоир шеърларининг бир қисми анъанавийдир, лекин деярли ҳаммаси бениҳоя самимий туйғулар билан йўғирилган. Шоир гоҳ дунёнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган киши сифатида фалсафий мушоҳада юритади, одамларни ҳар қандай ҳолда ҳам яхшилик қилишга чорлайди, гоҳ тақдирнинг аёвсиз зарбаларига чидай олмай, эл-юртдан бош олиб чиқиб кетмоқчи бўлади...

Хуллас, Бобур лирикасида инсонга хос қувонч ҳам, ғам ҳам ўз ифодасини топади. Унинг газалларидаги ҳаётийлик замондошларидан фарқи ўлароқ, реал ҳаётни, севикли ёрни мадҳ этиш руҳиятининг устунлиги билан ўқувчини қайта-қайта ўзига тортади. Зеро, Бобур шеъриятида, поэтик мисраларида ҳаётсеварлик, уни ўткир кўз билан мушоҳада қилиш асосий ўрин тутати.

Бобур шеъриятида реал маъшуқа тимсолини, ҳаётнинг серзавқ манзарасини, қолав ерса, ҳозирги кунга қадар бизнинг кўз унгимизда Бобур кўрган, идрок этган лирик қаҳрамоннинг интизорлик онлари, дўстлар суҳбатларининг серзавқлиги тасвири катта маҳорат билан чизилган.

¹ «Бобурнома», 265-бет.

ФАСОҲАТ МАВЖЛАРИ

Инсоният одобининг ва одаимийлик асосининг улуг қасри-устунларидан бири сўзлаш ва нутқнинг қимматбаҳо гавҳарини мулойимлик ва одоб нормаси билан тешмоқдир. Ахлоқ аҳлининг хушу хулқ соҳибларининг таъкидлашларича, инсон камолоти ва билимининг баланд мартабаларидан бири – чиройли, мантиқли сўзлаш бўлиб, бу бонинг гули ақл баҳори насими билан очилади. Зеро, тил ақл хазинасининг калитидир. Сўз соҳибини, унинг даража-мартабасини, таъби-ахлоқини, билимини сўзлари орқали билиш мумкин.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам мислсиз сўз санъткори, шу билан бирга, ўз даврининг улкан назариятчи-адабиётшуноси, адабий-эстетик тафаккур оламининг буюк намояндаларидан биридир.

Бобур сўз санъатининг турли муаммоларига доир қимматли фикр-қарашлари, илмий-адабий асарлари ҳамда куплаб замондошларининг ижодига доир фикр-мулоҳазалари билан бадий адабиётнинг ривож ва такомилга беқиёс ҳисса қўшди. «У адабиётнинг ҳаёт эҳтиёжларига жавоб бериши, инсон ва унинг саодати учун хизмат қилишига жиддий эътибор қаратди, умр бўйи шу мақсад йўлида курашди». Демак, Бобур XV аср адабий-эстетик тафаккури ва унинг тараққиёти учун хизмат қилди. Шу хизмати билан у кейинги асрлар сўз санъати-адабиёти, адабий-эстетик тафаккури равнақига ҳам катта таъсир кўрсатди, десак муболага бўлмайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур турли касб-кор, ҳунар ва ижод аҳлининг раҳномаси, яъни маслаҳатчиси, мураббийси булгани каби, бадий адабиётнинг, шу соҳа кишиларининг ҳам ҳомийси эди. У сўз санъткори, ижодкорлари билан ҳам диний мулоқотда бўлар, улар яратган асарлар юзасидан ва умуман, адабиёт, шеърят ҳақида суҳбатлар уюштирар, уларга бевазир устод сифатида маслаҳатлар берар, муваффақиятларидан севиниб, ижодий ишга янада иштиёқ илҳом уйғотар эди.

Бобур деярли барча асарларида сўз санъати ҳақида, унинг хилма-хил мақсадлари, чунончи, адабиёт ва ҳаёт, адабиёт ва тил, шакл ва мазмун, адабиёт анъаналар, ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижоди, адабий жанрлар ва бошқалар ҳақида атрофлича мулоҳаза-мушоҳада юритади, қатор адабий ҳодисалар хусусида баҳс қилиб, сўз санъаткорлари ҳақида мужассам маълумотлар беради.

Буюк адиб фикрича, сўз, сўз санъати, кенг маънода, адабиёт-маънавий оламнинг муҳим бир соҳаси. Шундай жан, сўз санъатсиз, бадий адабиётсиз ҳаётни, унинг воқеа-ҳодисалари моҳиятини чуқур тасаввур қилиш қийин. Чунки, бадий адабиёт ўзида ҳаётни, уни турли хил ҳодисаларини, долзарб масалаларини акс эттиради. Шу орқали кишиларга ҳаётдан, унинг воқеа-ҳодисаларидан сабоқ беради. Дарҳақиқат, чин маънода ҳаёт дастуридир. Ўзида ҳаётни.

унинг ранг-баранг воқеа-ҳодисаларини акс эттирган бадий адабиёт, сўзсиз, кишилар онига, шуурига кучли таъсир кўрсатиб, китобхонларни эзгу мақсадларга чорлайди. Бинобарин, Бобур сўз санъатининг маъно-моҳиятини, масъулиятини теран англаган қалам эгаларини, улар яратган асарларини эътироф этади, маътайди. Аксинча, дидсиз, қобилиятсиз шоирларни, улар ёзган маъно ва бадийатдан йироқ, нурсиз асарларни танқид қилади. Узининг «Бобурнома» асарида аркони давлат соҳиблари билан биргаликда, сўз санъаткорлари хусусида ҳам қимматли, эътиборга молик мулоҳазаларини билдириб ўтади. Жумладан, Султон Ҳусайн Бойқаро хусусида шундай дейди: «Таъби назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси «Ҳусайний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале Мирзонинг девони тамом бир вазнададур...»¹.

Муҳаммад Солиҳ хусусида эса: «...чоппилиқ газаллари бор, агарчи ҳамворлиғи чошнисича йўқтур, туркий шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур. Сунгра Шайбонийхон қошига келиб эди, филжумла риоят қилиб эди. Шайбонийхоннинг отига бир туркий маснавий битибтур. «Рамали мусаддаси махбун» вазнидаким, «Субҳа» вазни бўлғай, бисёр суств ва фурудтур, ани ўқигон киши Муҳаммад Солиҳнинг шеъридин безътиқод бўлур. Бир яхши байти будур:

Бўлди Танбалға ватан Фаргона,
Қилди Фаргонани танбалхона, -

каби фикрларни билдиради. Бобур шоир ва санъаткорларга баҳо беришда, аввало, уларнинг асари мазмунига диққатни жалб қилади. Ўз фикрини ёзаётганда маълум асарнинг мавзуси, бадий форма ва вазнини белгилайди-да, кейин унинг аҳамияти ва нуқсонларини кўрсатади. Шундан сўнг, шоирнинг шахсий хусусиятлари, жамиятда тутган ўрни, атрофидаги кишилар билан муносабати масалаларини ёритишга киришади. Бобурнинг:

Ҳар кимдан яхши қоида қолгон бўлса,
Анинг бирла амал қилмоқ керак.
Агар ота ёмон иш қилган бўлса,
Яхши иш била қилмоқ керак,-

деб ёзиши ҳам унинг ўша давр анъанасига бўлган муносабатини ойдинлаштиради. Муаллиф ҳар бир ишда, жумладан, бадий ижод ва унга баҳо беришда илгор услубларга амал қилганини, сўзга, сўз санъатига-адабиётга, унинг муаллифларига ўта масъулият ва муҳаббат билан қараганини кўрамыз.

¹ Бобур. «Бобурнома». Т.: «Юлдузча». 1990; 148-163 бет.

Бобур адабиётшунос сифатида у ёки бу адабий асар ҳақида ўзининг мустақил фикрларини баён қилишда, купинча асар муаллифининг кимлигидан қатъи назар, объектив баҳо беришга интилан. У устозларининг сўз жавоҳирларига юқори баҳо бериш билан бирга, улар ҳақида ўзининг баъзи танқидий муносабатларини ҳам ифода этган. Бу, шубҳасиз, Бобурнинг адабий танқидчи учун энг керакли хусусият-журъатидан, поклик ва масъулиятдан далолат беради. Бу ҳол Бобурнинг устози Навоий бошлаган анъана ва у баён қилган адабий-бадий фикрларнинг давомчиси эканлигини, ўз адабий-эстетик қарашлари билан нафақат ўзи яшаган давр адабий муҳитига, балки кейинги замонларга ҳам, катта ижобий таъсир кўрсатганлигини англатади.

Бобурнинг сўзга, сўз санъатига бу қадар катта талаб ва мезон билан қарashi ўз даври адабий муҳитининг чинакам жонкуяри бўлганлигидан далолат беради. У адабий жараёни, ундаги ҳар бир ўзгариш ва янгиликни жиддий кузатиб боради. Ҳар бир масалага, таъкидлаш жонзки, бу борадаги ҳар қандай муваффақиятга, у хоҳ катта ва хоҳ кичиклигидан қатъий назар, ўзининг қизгин муносабатини билдиради, ҳақиқий ижодкор сўзни, бадий сўзни, унинг сеҳру қудратини чуқур англаши, сўз ганжасидан фойдалана билиши шартлигини таълим беради. «Замон, олам борлиқда сўздан ортиқ бойлик, ганжина йўқ. Ҳар қандай бойлик тугаши, оз ёхуд кўл бўлиши мумкин. Аммо сўз бойлиги бундан мустасно, уни ўзгалар истифода этолмайди. Сўз-қалб ганжинаси, уни қанча сарф қилган билан тутмайди. Тугамайдигина эмас, ҳатто заррача камаймайди ҳам. У нест-нобуд булиш, йўқолиш хавфидан бегона. Сўз қанча ишлатилса, шунча янгиланиб, жиловланиб туради ва кишилар қалбига роҳат, ҳузур бағишлайди. Бироқ сўзда ҳам сўз бор. Шоирнинг фикрича, ҳақиқий сўз, бадий сўз чинакам жозиба-таъсирга эга бўлиши, бунинг учун, аввало, мазмунга шу билан бирга, маълум шакл-тартибга солинган бўлиши керак. Аксинча, у гузалликдан, таъсир кучидан йироқ, оддий сўзга, шунчаки тизмага айланиб қолади.

Бобур «Бобурнома»да ўша давр адабиёт аҳларининг номларини ҳамда ижод намуналаридан айрим лавҳаларни келтирар экан, айни пайтда, уzigа мансуб бўлган адабий муҳитни, унинг умумий аҳволини тасвирлайди, маълум даражада уни таҳлил қилади. У шоирларга баҳо берар экан, муҳим бир жиҳатига, улар табиатидаги инсоний фазилатларга: одоби, ахлоқи, муомаласи, илми, меҳнаткашлиги, ижодкорлиги ва бошқа хислатларига алоҳида эътибор беради. Шу орқали кўз ўнгида ҳар бир ижодкорнинг маънавий қиёфасини, комил инсоний фазилатларини гавдалантиради. Бу билан, бир томондан, муаллифнинг (айни чоғда Бобурнинг ҳам) чинакам инсоний қиёфаси намоён бўлса, иккинчидан, сўз санъатининг, адабиётнинг, буюк ахлоқнома эканлиги эътироф этилади. Бобурнинг фикрича, инсоннинг одобини-ижод аҳлининг

чинаккам комиллигини, комолотини белгилайдиган ва унга шараф келтирадиган омилар аслида шулардир. Зотан:

Бировнингким бировдин кўнгли қолур,
Киши юз сўз била кўнгулни олур,-

деганда, мутафаккир ва мураббий шоир шуларни назарда тутгани, шубҳасиздир. Шу тариқа, у ҳар бир шоир шахсиятига, унинг ижодига, салоҳиятига ҳолис баҳо беради, улар табиатидаги айрим нуқсонларни, маънавий қиёфасидаги номукаммалликларни ҳам кўрсатиб ўтади. Шоир ва ёзувчининг ахлоқи гузал ва кишиларга намуна бўлиши кераклиги талабини олга суради. Шунинг учун у Осафий ва Мир Атоуллоҳ Машҳадийни камтарлик хусусиятига эга бўлмаганликлари учун танқид қилади. Хусусан, Султон Маҳмуд Мирзо ҳақида шундай дейди: «Зулм ва фисққа кўп машғул эди. Муттасил чоғир ичар эди... Бад эътиқод киши эди... Юраксиз киши эди... Ҳаёси камроқ эди... Бадкалом эди... Шеър бисёр суств ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмағони яхшироқдур»¹. Муаллиф бу ўринда сўз ва иборалардан моҳирлик билан фойдаланган. Лавҳа-маълумотномадан, биз, Маҳмуд Мирзонинг маънавий-ахлоқий дунёсини: унинг «Зулм ва фисққа машғуллиги...», «муттасил чоғир ичиши...», «эътиқоди ёмон» ва «журъатсизлиги...», «ҳаёси кам...» ва «сўзи ёмонлиги...», «бемазаллиги...», демакки, ҳамма томонлама номукаммаллиги, ёмон табиатли, ножоиз ахлоқ эгаси эканлигини билиб оламиз.

Қалб-танжина. У-яхшиликнинг ҳам, шу билан бирга, ёмонликнинг ҳам манбани. Ҳадиси муборақларнинг бирида Расулulloҳ с.а.в. марҳамат қиладиларки, инсон вужуди-жисмида шундай бир аъзо, яъни неъмат борки, у пок бўлса, бутун вужуд-тана пок, аксинча, у ёмон, иллатли бўлса, бутун вужуд-тана нопок, иллатли бўлади. Бу – қалб, дедилар. Дарҳақиқат, ҳамма нарса қалбга, унинг ҳолатига боғлиқ. Чунки, яна таъкидлаймиз, қалб-ҳазина, сўз-ғавҳар, тил-тимоч. Бобур эса буюк қалб, сўз соҳиби. Унинг суздан қалбини, унинг поклигини англаш мумкин. Бу ўринда Султон Маҳмуд Мирзо, унинг сўзи орқали ўзини англаш ва Бобур баҳоси орқали унинг шамоилини билиш мумкин. Ва яна муҳими, шундай экан, унинг «шеър айтмоғини яхшироқ»лиги ҳукмини ўқамиз.

Демак, Бобур хассос олим, нуктадан адабиётшунос сифатида баҳс юритар жан, бадий ижоднинг асосини, моҳиятини белгилувчи омилар хуҳусида алоҳида тўхталади.

Хуллас, оташнафас ва мураббий шоир турли мавзу ва жанрларда яратган лирик меросида, шунингдек, «Бобурнома» асарида ҳам сўзга, сўз санъатида, демакки, ижод ва ижод аҳлига самимий муносабати ва қатъий мезони билан, умуман, адабий-эстетик

¹ Бобур. «Бобурнома» Т.: «Юлдузча», 1990.

қарашлари билан маънавиятимизда учмас из қолдирди. Навоийдан кейинги даҳо сўз санъаткори мақомига кўтарилди. Бинобарин, Бобур сўзи, унинг салмоғи, қудрати, сеҳру жозибаси абадий яшайверади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Лутфий ва Навоий каби буюк сўз санъаткорларининг поэтик маҳоратидан таълим олиб, уларнинг анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган устоз шоирлардан биридир.

Бобур шеърятининг бадий соддалиги учун курашди. Унинг шеърларида уй ва фикр, ҳис ва туйғу тасвир ва тавсиф, сўз ва мусиқийлик бир-бири билан узвий боғланиб кетади. Шоир тасвир объектига мувофиқ сўз танлайди, турли ҳис-туйғуларга мувофиқ вазн ишлатади, ички қофия интонация ва бошқалардан моҳирлик билан фойдаланади. Кишининг ўзига хос ички кечинмаларини, орзу-армонларини, шодлиғу қайғусини бадий маҳорат билан ёритиб беради. Натижада, кўз унгимизда жонли портрет яратади, расомдек қалам тебратади. Бобурнинг:

«Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди»,

«Сабо, ул гул ҳаримиға гузар қил»

мисралари билан бошланган ғазаллари ва бошқа бир қатор шеърлари ниҳоятда содда, равон ва мусиқийдир.

Бобур халқ жонли тилининг бадийликларини чуқур ўрганган, адабий тилни халқ жонли тилига яқинлаштириш учун тинимсиз иш олиб борган. Бобур кўпинча ўз аскарлари ва оддий кишилар орасида бўлган. Бу ҳол эса унинг тил бойлигининг ошишига ва тилининг бир мунча содда бўлишига олиб келади. Бобур ижодиёти орқали биз XV аср охири ва XVI аср бошларидаги ўзбек адабий тил ҳамда унинг ўша даврдаги асосий шеваларидан бўлган, Андижон шеваси ҳақида кенг ва мукамал тасаввурга эга бўламиз. Бобур шеърятининг тили шу даражада бойки, унинг асосида XV-XVI аср ўзбек тилининг мукамал лугатини яратиш мумкин. Бобур адабий тилда ишлатилмаган ёки ундан мустаҳкам ўрин олмаган жуда кўп сўزلарни адабий тилга киритади. У она тилининг лугат бойлигига ҳамда халқ мақоллари ва таъбирларига катта эътибор беради. Бобур форс-тожик ҳамда араб тилини мукамал билган ва бу тилларда ҳам ажойиб асарлар яратган.

Бобур ўз шеърларидаги баён услуби, воқеаларни тасвирлаш, вақтини кўрсатиш каби масалаларига таяниб, ижод қилади. Шунинг ҳам айтишимиз мумкинки, у шеърларини ёзаётганда, биринчидан, хотираларини баён этиш услуби асосида иш тутган бўлса, иккинчидан, воқеалар изидан бориб, уларни қайд этиш йўлидан усталик билан фойдаланади, яъни бу адабий-эстетик талаблар натижаси бўлиши билан бирга, асарнинг илмий-бадий қимматини оширувчи восита ҳамдир. Бобур ўз шеърларида турли тасвирий санъат-усул ва бадий тил воситаларини ишлатади. У, айниқса, поэтик тилга катта эътибор беради, халқ мақоллари ва таъбирларидан халқ тилининг лексик бойликларидан, шаклдорш, уядорш ҳамда зид

маъноли сўзлардан моҳирлик билан фойдаланиб, шеърларининг бадийлиги ва мазмунининг таъсирчанлигининг оширади. Масалан, шоир ёрга интизор булган ошиқнинг изтиробини тасвирлаш учун халқнинг «йўлида кўзим тўрт бўлди» таъбирини мисрса сингдириб, қуйидаги байтни яратган:

Бобур, бўлиб турур, икки кўзим тўрт,
Келса не бўлди, қошима бир-бир манга-манга¹.

Инсон ва воқеликни тасвирлашдаги реалистик интилишлар Бобур тилининг ихчамлиги ва ёрқинлигида ҳам кўринади. Унинг поэзиясида ҳамма вақт деярли муаллифнинг ўзи бевосита асосий гапни айтади, ўзи гафдаланиб туради. Бироқ, шу нарса муҳимки, биринчидан, Бобур ўзини, ишлари ва фикрларини ифода қилишда объектив ифодалашга уринган, иккинчидан, ўзини фақат ўз шахсий тор дорасида эмас, балки атрофидаги сиёсий, ижтимоий ҳаётнинг катта масалалари билан чамбарчас боғлиқ қолда ифода қилишга интилган. Учинчидан, айтиш жоизки, ўз шеъриятидаги реал деталларда, нозик унсурларда киши руҳини, унинг ички дунёсини тасвир қилиш ва очишда, севги ва соғинч, хурсандлик ва ҳафалик туйғуларини ифодалашда юксак маҳорат кўрсатган. Шу билан бирга, у бу ҳис-туйғуларни махсус ва одатдаги дабдабали муболага ва фантастикасиз беришга уринади.

Агар «Бобурнома» Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти, кураши ва саргузаштларининг йилномаси бўлса, шеърят унинг юраги, ҳис ва туйғуси, ўй ва орзуси, сукути ва ҳаяжонининг китобидир. Моҳир шоир буларнинг барчасини лирик шеърларида табиий ва ҳароратли қилиб тасвирлайди. Натижада бу голиб ва мағрур, шод ва қувноқ, миллий ва истиқболли Бобур тимсоли билан ҳам, мағлуб ва хомуш, аламли ва ҳасратли, умидсиз ва истиқболсиз Бобур тимсоли билан ҳам, бу тимсолнинг маънавий қиёфаси ва қалби билан ҳам яқиндан танишамиз. Мана мағлубиятга учраб, нима қилар ва қайга борарини билмай умидсиз бир вазиятда қолган шоҳ ва шоирнинг фикр-ўйи, ҳис-туйғусининг ифодаси:

Бу гамда меники ишим фикримни не навъ этайин,
Не ерда сокин ўлай, не қилай, қаён кетайин.
Не дайрдин эшигим очилур, не масжитдин,
Неча эшиқдин эшикка гадо каби етайин.

Лирик шеърларида Бобур фақат сиёсий фаолияти замирида вужудга келган кайфиятлари билангина эмас, балки ошиқ, маърифатпарвар ва мураббий бир инсон сифатидаги фикр-ўйлари билан ҳам мужассамлашгади.

¹ Ушш асар, 89-бет.

Хассос шоир ёрнинг ҳусн-жамоли ва хулқ-атвори, таърифи ва тавсифида бир-биридан гузал образлар, иборалар топади. У севги билан шод ва бахтиёр бўлишни истайди. Ёрнинг висолига ошиқади, бироқ фироқ уни жабрлайди, ҳижрон уртайди. Хат-хабар ҳам ошиқнинг юрагини тула очиб, ифодамай олмайд. Бинобарин, у кабутарга мурожаат қилиб:

Кабутар, элтасен хаттим, не бўлмай гар қабул этсанг,
Кунгулни боғласам у нома янглиг тару бошангга,-

дейди.

Маърифатпарварлик фикрлари ва орзу интилишлари, ахлоқий-таълимий қарашлари ва бошқалар лирик қаҳрамон Бобур образини янада мукаммаллаштиради. Бобур параллелизм, тазот, юф ва нашр, ухшатиш, муболага ва бошқа турдаги усуллар, бадий тил воситалари орқали мавзунини, образини ҳолат ва туйғунини мукаммалроқ ёритишга эришади:

Бобур ҳаргиз қулоқ шеъринга ул гул солади,
Гулга не парвоки юз фарёд қилса андалиб.

Бу байтда ошиқ бўлбўлга, ёр гулга ухшатилади ҳамда ошиғу ёр гулу бўлбўлга паралел қўйилади.

Ўлтирур гарчи мени гуфторинг,
Тиргузур ул лаби шакар болинг.

бу байтда лаб гуфтор (сузлаш)га қарама-қарши қўйилган, ваҳоланки, буларнинг ҳар иккиси бир-бири билан боғлиқдир; ёрнинг сўзи ўлдиради, бироқ шакар лаби тирилтиради.

Тутдим сочини юзун курай деб,
Тун узунни мен гариб гумроҳ.

Шоир ёрнинг юзини кўрмоқчи бўлиб, унинг юзини тўсиб турган сочини ушлайди, бироқ ёрнинг узун қора сочи қоронғу тунни пайдо қилиб ошиқни гумроҳ этади. Бу ерда шоир шаклга мутаносиб равишда киноядан уринли фойдаланган.

Сел эмасдур ёр юзин тутқон кўзумнинг ёшидур,
Раъд эмасдур кўкка чирмашқон кўнгул афғонидур.

Ҳижрондан ўртанган ошиқнинг кўзидан ёшлар шу қадар тез ва кўп оқадики, ҳатто атроф-оламни ҳам сувга тўлдиради, кўрганлар уни сел деб уйлайдилар. Кўнгил оҳлари кўкка чирмашган гўборли

тўзондек кўринади. Демакки, қалам соҳиби муболага санъатини ҳам ҳадди-аълосига етказиб қўлаган.

Халқ оғзаки ижодини, халқнинг аскиячилик санъатини яхши билган Бобур, Амирий, Лутфий ва Навоийлар сингари ажойиб туюқлар яратади. Мисол:

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди (ёйдек қилди),
Кўнглум гаму андуҳ ўтига ёқилди (қуйди).
Ҳолимни сабога айтиб эрдим, эй гул,
Билмон санга шарҳ қилмади ё қилди (ёки қилди)¹.

ёки:

Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга (мажол, қувват),
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро манга (эй ёр)
Ўқунг етти кўп ямон ёро манга (яра, жароҳат),
Марҳами лутфунг била ёро манга (ёрдам бер).

Бобур туюқларидагина эмас, балки бошқа жанрлардаги шеърларида ҳам чиройли сўз ўйинлари ясайди:

То оқ юзинг йироқ тушти,
Икки кўзим ичра оқ тушти.
Ул ёр агар ёнурса юз, оҳ,
Агёрга гар кўрунса, юз вой.

Сочинг шикастида бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур, очилса у қаро сочинг...
Бу дунёда фараҳ йўқтур мени маҳзунга жонсиз,
Жаҳондин ким десун билаҳ керакмас менга жонсиз²...

Бобур омоним ва кўп маъноли сўзларни, сўз ўйинларини ҳам шу қадар усталик билан қўлаганки, бу унинг халқ ижодиётини, аскиячилик санъатини ҳам мукамал билганлигидан далолат беради ҳамда ўзбек тили сўз бойликларини яна бир бор намоён қилади:

Ўлки ҳар кўзи гидоли Чиндурур,
Қошида пайваста онинг чиндурур,
Чунки кўп ёлгон айтди ул манга,
Гар десам ёлгончи они чин дурур.

Қовун бирла ўзумнинг хажрида кўнглумда гам ҳар су,
Оқар сувнинг фироқида кўзумдин ҳар дам оқар сув.

¹ Ўша асар, 119-бет.

² Ўша асар, 32-бет.

Бобур мисраларнинг равлонлиги ва оҳангдорлигини кучайтириш учун ички қофиялардан ҳам моҳирлик билан фойдаланади. У бир ёки бир неча сўздан ташкил топган радифларни қўлаб, қофиядан кейин келтирган бир хил сўзларнинг такрори билан, бир томондан, шеърдан кузатишган мазмун ва муддаони кучайтирса, иккинчи томондан, мисраларнинг янада равлонлиги ва мушқийлигини орттиради.

Ички қофияга мисоллар:

Қора зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор,
Юзунгнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор,
Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор¹...

Радифга мисол:

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди.
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди
Кетгим мени ҳайрон эшигингдин демадинг ҳеч,
Ул телбаи ҳайрон қани, эй ёр, не бўлди².

Бобур шеърининг мазмунини, имоционал таъсир кучини ва оҳангдорлигини ошириш учун баъзан бир сўзни қайта-қайта такрорлайди. Масалан:

Бу ғамда менки ишим фикрини не навъ этайин!
Не ерда сокин улай, не қилай, қаён кетайин!
Не дардин эшигим очилур, не масжиддин,
Неча эшиқдан эшикка гадо каби етайин!³...

Бу мисраларда мағлубиятга учраб, сарсон-саргардон бўлган, нима қилари ва қайга борарини билмай умидсиз бир вазиятда қолган шоҳ ва шоирнинг фикр-уйи, ҳис-туйғулари ифодаланган. Шоир шу вазиятни ифодалашга мувофиқ келадиган сўзлар танланган, «не» (нима, қандай) ва «эшик» сўзларининг такрор ишлатилиши унинг ички кечинмаларини мукамалроқ очиб беришга хизмат қилади.

Бобур рубойларидан бирида ёзади:

Ашъорингким шеър оти то бўлғай,
Таъб аҳли анга волау шайдо бўлғай,
Ҳар лафзи дуру баҳри маънони анда,
Ким кўрди дурики, анда дарё бўлғай¹.

¹ Уша асар, 82-бет.

² Уша асар, 118-бет.

³ Уша асар, 136-бет.

Шоир бу рубойида қуйидаги саволларга жавоб берганга ўхшайди:

1. Шеърнинг таъсир қудрати нимада? — Таъб аҳлини шайдо қила билишда, соддароги—шеърый ифоданинг жозибасида.
2. Шеърда лафз ва маъни қандай бўлиши керак? — Ҳар бир сўз дур каби тизилиб, маъно дентизини яратиши керак. Аммо, дур кўринган жойда дарё ҳам булаверади, дейиш хато дир. Демак сўзларни тартиблаштириб, қофия ясаш билан шеър яратилмайди

Бобурнинг шеъриятида кўзда тутган мақсади, кўркем шаклда, мазмун ва туйғуни тугал баён қилишдир. Шу жиҳатдан ҳам мазкур рубойини Бобурнинг хос, Бобурнома рубойиси дейиш мумкин.

Ҳақиқий ижод ҳамиша илҳом ва туйғудан бошланади, деган гап бор. Муҳаммад Бобур тажрибалари ҳам бу жиҳатдан жуда эътиборлидир. Бобур мумтоз поэтикадаги мавжуд санъатларнинг аксариятини ўз шеъриятида ҳам зўр дид ва эътибор билан ишга солади. Бобур шеъриятида «қўп ва ҳўб» қўлланилган санъатлар орасида таносуб биринчи уринда туради.

Маълумки, таносуб шеърятда кечинмаларнинг яхлит манзарасини бериш, фикрини мантиқий интиҳосига етказиш, ҳис-туйғуларни бир ранг, бир тўлқинда кўрсатишга кенг имкон очади. Бугина эмас, таносиб шоирдан ихчам ва жонли тилда ёзишни, асосий мақсадга хизмат қилмайдиган ҳар қандай кечинмалардан сақланишни қатъий талаб қилади. Бобур рубойларида таносуб мана шундай вазифаларини бажаришга бўйсундирилганлиги билан диққатни тортади:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуласену ул шулага мен кулдурмен.
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале санга қулдурмен².

Шеърдаги фикр маъшукани гулга қиёслашдан бошланади. Таносиб қондасига кўра, энди шеърга маъно томонидан шу сўзга тенг, улфат бўла оладиган сўз ё образни олиб кириш керак. Бу унча мушкул иш эмас. Адабий анъанага биноан, «гул»га «булбул»ни ёндош келтириш мумкин. Бобур ҳам шу томоилни бузмай, мисрани «Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен» деган тарзда тузади. Демак, биринчи мисрагаги гул ва ҳақир булбул мавҳумларининг ёнма-ён келишида таносуб санъати бевосита ўз функциясини бажаради.

Энди иккинчи сатрга эътибор қилайлик. Шоир гул ва ҳақир булбул нисбати билан боғлиқ гапни ривожлантириб, маълум бир

¹ Ўша асар, 113-бет.

² Ўша асар, 97-бет.

поэтик хулосаларга келиши мумкин эди. Маъшуқа васфидаги шуъла ташбеҳи яхши. Ошиқнинг «кулдурмен» дейиши ҳам, умуман олганда, эътирозга сабаб бўла олмайди. Бироқ, бу ерда эътирозли бошқа гап туғилаётир. Гул, ҳақир, булбул; шуъла, кул – ахир булар уртасида мантиқий боғланиш йўқ. Бироқ, «нисбат йўқдур деб ижтиноб айламаким» деган гап, ёлғиз ёрга эмас, шеърхон ва шеършуноста ҳам қаратилган бўлиб, изоҳ характериға эга. Бу билан шоир таносуб шартларини унутмаганиға ишора қилиб, усталик билан шеършуностаъналаридан ҳам ўзини халос этади. Охирги мисраларда ёндош келтирилган «шоҳ» ва «қул»ни ҳозирги ҳолатда мазмунан бир туркумдаги сўзлар дейишимиз ҳам мумкин. Чунки ишқ олдида шоҳу гадо, ҳокиму қул булар мутлақо нисбий тушунчалардир, деган умуминсоний бир фалсафани олға сураётир.

Рубоий шаклан кичик жанр бўлсада, унда таносибнинг тўла тадбиқ қилиниши анча сийрак учрайдиган ҳодисадир. Санъаткорлик даражасига эга бўлган маҳоратли шоиргина бу ишнинг уддасидан чиқиши мумкин. Бобур тажрибалари ушбу ҳақиқатни тасдиқлашга қодир. У ёзади:

Ишванг била, ғамзангнию нозингниму дей?
Жавринг била сўзунгу гудзингниму дей?
Сўзунг, қилигинг, навозишингму этай,
Овозу усулингнню созингниму дей?¹

Шоир сатрларга гуё сўз дурларини териб чиққан. Улар мазмунан бири иккинчисини қувватлайди, тўлдиради, моҳиятда бераҳм ёрнинг нозу истигноларини таъкидлайди.

Бобур ўз шеърларида интонацияни кучайтирувчи хитоб, сўроқ ва бошқаларга ҳам катта эътибор беради. Буларнинг ҳаммаси Бобур поэтик тилининг бойлиги ва услубининг равонлигидан, кучли маъно-мантиқдан далолат беради. Чунки шоир поэтик тилининг бойлиги унинг фикрий аниқлик ва равонликка эришиши, тилининг бадий-эмоционал имкониятларидан фойдаланиши ва бошқалар билан белгиланади.

Бобур устоз сўз санъаткорларининг шеърларидан илҳомланиб, уларнинг шеърларига ўхшатма ва назиралар ёзади ҳамда улар билан ижодий муоабақалашади. У Лутфийнинг:

Неча жонима жафо қилурсен,
Вақт ўлди агар вафо қилурсен?²

матлаъи газалидан илҳомланиб:

¹ Ўша асар, 93-бет.

² Лутфий. Девон. Т.: «Давлат бадий адабиёт нашриёти», 1956 й., 79-бет.

Ғайрга неча вафо қилгайсен,
Жонимга неча жафо қилгайсен¹,

матлаъи газалини битган бўлса, Навоий шеърларига ўхшатма ва
назира тарзиди:

«Кўрмагай эрдим жамоли оламаро, кошки,
Бўлмагай эрдим бори оламга расво кошки»²,
«Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?
Хаста кунглим чекмаган дарду балоси қолдиму?»³
«Ё қошинг янглиг эгилган жисми зоримниму дей?»⁴.
Ё сочингдек тийра бўлгон рузгоримниму дей?»⁴.

сингари газалларини ёзади. Булар мумтоз назиранинг гўзал
намуналаридир.

Бобур бир фохриясида, агар Ҳофиз ва Салмон Саважий каби
буюк шоирлар тирик бўлганда эди, менинг шеърларимни тақдирлар,
уларнинг юксаклигини эътироф қилар эдилар, дейди.

Ироқу Форсга етса гар сенинг у шеъринг, эй Бобур,
Они ҳифс этуси Ҳофиз мусаллам тутқуси Салмон⁵.

Бобур шеъриятида ҳазил ва мутуйибанинг, яъни сатира ва
юморнинг гоявий-бадий томондан кучли ва соғлом бўлишини ҳам
тарғиб қилади.

Шундай қилиб, Бобур Мирзо шеърияти унинг мураккаб
саргузаштларини маълум адабий-эстетик қарашлари асосида
умумлаштирувчи, улардан муҳимларини ажратиб,
индивидуаллаштириб, бадийлик талаблари асосида тасвирловчи,
нафис сўз жовоҳирлари билан баён қилинган гўзал бадий
обидадир...

МАНГУЛИККА МУШАРРАФ УМР ВА МЕРОС

Она-ер ўз ўқи атрофида айланаверади. Қуёш чиқади, ботади,
чиқади, ботади. Бу қонуният. Инсон туғилади, яшайди, оламдан кўз
юмади...

Ер ўз ўқи атрофида бир маромда айланар жан, ҳаёт ҳам бир
текисда кечаверади...

¹ Бобур. Девон, 48-бет.

² Уша асар, 58-бет.

³ Уша асар, 37-70-бет.

⁴ Уша асар, 37-70-бет.

⁵ Уша асар, 56-бет.

Қуёш остидаги ҳеч бир нарса абадий эмас. Тугилиш бор экан, ўлим ҳам муқаррардир. Бу ёрут дунёни Парвардигор шундай қонуният ила яратган.

Ривоят қилишларича, Жаброил алайҳиссалом Ҳазрати Нухдан сўрабдилар: «дунё ҳақида қандай хулосага келдинг?».

Нух алайҳиссалом дебдилар: «Икки эшикли уйга ўхшайди: биридан кирдим иккинчисидан чиқдим».

Мана шу икки эшик орасидаги ёрут олам аталмиш инсон яшаш билан баробар ўзидан аввал ўтганларнинг ҳаёти, қилган ишларидан ибрат олади, уларнинг яхши томонларини ўзидан кейинги авлодларга сабоқ қилиб қолдиради.

Одамзот факрланиш, маънавий меросхўрлик туйғуси билангина эмас, ўзидан нималарнидир қолдириш иштиёқи билан яшайди. Тимсолий маънолар билан айтганда, ҳар бир инсон ҳаёт занжирларига бир бўлиб қўшилгиси келади. Бусиз ҳаётнинг маъноси ҳеч. Дарҳақиқат, Бобур Мирзога Оллоҳ таоло мана шундай эзгу амалларни ато этган, мустажоб қилган эди. Орадан неча-неча асрлар ўтса-да, чархнинг кажрафтори айланаверса-да, унинг умрини мангуликка даҳлдор, меросини келажакка мушарраф этди. Унинг фаолияти ва ижодиёти халқ ва ватанга, инсоният ва маърифатга хизмат қилишнинг ажойиб бир намунасидир. Бобур ўзаро юруш ва урушларни бартараф этиш учун, мамлакатнинг обод бўлиши ва халқнинг осойишталиги учун фидокорлик билан курашди, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомийлик ва раҳбарлик қилди. Ўзбек тили ва адабиётини янги тараққиёт поғонасига олиб чиқди, илм-фаннинг турли соҳаларига оид нодир асарлар яратди.

Бобур нафақат ўзбек адабиётининг балки жаҳон адабиётининг улуг номояндаларидан биридир. У улмас асарлари билан жуда кўп халқларга манзур бўлиб, уларнинг мумтоз санъаткорлари қаторидан ўрин олди ва баъдий адабиёт тараққиётига самарали таъсир этди.

Бобур Мирзо ўрта асрнинг зиддиятли ҳаёт тўлқинига дуч келди, мураккаб муҳит унинг дунёқарashiда айрим жиддий зиддиятларни вужудга келтирди. Бироқ, у халқ ва ватан учун, инсон ва унинг бахти саодати учун кураш йулидан чекинмади, инсонпарвар ва маърифатпарварликнинг оташин жарчиси сифатида ижод қилди, қатъон бўлмасин инсониятни зулм-зўрликларидан, жангу жадаллар ситамларидан халос бўлишига, адолат ва маърифат барибир тантана қилишига қомил ишонч билан қаради.

Бобур меросининг жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаши, асарларининг бу қадар муваффақият қозониши, аввало асарларининг аҳамиятли ва афзалликларига эга, мукамал ва қулай, содда тилда яратилганлиги бўлса, яна бир жиҳати Бобурнинг характер хусусиятларида инсоний фазилатларнинг мужассамлиги, унинг севишга, ҳурмат қилишга муносиб бетакрор сифатларидир.

Бевосита, Бобурнинг «Бобурнома» асари билан биргаликда, ҳар бир лирик мисраларида мемуарлик хусусияти, ҳаёт ҳақиқати

мужассам. Муаллиф ҳар бир шеърда бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни, бор тафсилотларини бориचा акс эттиради, бурттирмайди, ўзини идеал кўрсатишга уриниб, нуқсонларини беркитмайди.

Бобур характериға хос хусусиятларни тарихчи олим «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Бобурни: «сон-саноксиз яхши фазилатларға эға эди, дов юраклик ва аломатликда ҳамманинг орасида ажралиб турарди», - деб тасвирлаган. Дарҳақиқат, Бобур ижодини мутолаа қилган киши Бобурнинг мардлиги, ишонувчанлиги, кенг қалбли, бегубор табиатли, самимий хислатларға бой, Неру таъбири билан айтганда, «дилбар шахс...»лигининг гувоҳи бўлади.

Ватан соғинчи, юрт тупрогини соғиниб, ҳижрон, дард туйиб яшагани ва бутун ҳаёти давомида бу огир «дард» юкини кутариб яшаш қисматиға айланганини ҳис қилиш қийин эмас. Шунингдек, тарихнинг кўҳна қатламларига сингиб кетган манбалар, ҳозирда тукилиб, йўқ ҳолға келган тарихий обидаларнинг ўрни ёки қадимий номлари, қиёфаларини бүгун «Бобурнома» орқали кўз олдимиза қайта тиклай оламиз.

Бобир шоир сифатида яратган бетакрор асарлари ва шеърляти билан мумтоз адабиёт тараққиётига катта ҳисса кўшди. «Бобурнома»ға илова сифатида яратилган «Мауфассал» рисоласи, «Бобурнома»нинг мантиқий давоми сифатида, Бобурнинг қизи Гулбаданбегим қаламиға мансуб «Ҳумоюннома» асари дунё илм-фани учун гоят аҳамиятлидир. Фарзандларидан яна бири Камрон Мирзо ҳам газаллар ёзиб, девон тузгани бугунги китобхонларимиз учун яхши маълум.

Президент Ислон Каримовнинг ватанға, тилға, дину диёнатимизға, урф-одатларимизға, теран ҳурмати, сермазмун тарихимизнинг асл ҳолда тиклаш йилидаги саъй-ҳаракатлари туфайли ўзбек халқининг гурури Бобур Мирзо номини абадийлаштириш ва жаҳон миқёсида тарғибу ташвиқ этиш имкониятлари вужудға келди.

Буюк бобокалонимиз номини абадийлаштириш борасида бошланган бир қанча муҳим ишлар: миллий Бобур боғининг барпо қилиниши, музей иншоотлари, рамзий мақбаранинг ҳақимиз зиёраттоҳига айлангани фикримиз далилидир.

Заҳрирiddин Муҳаммад Бобур мероси, инсоний олийжаноблиги, тарихий-маърифий, шу билан бирға, жуда катта ижтимоий-тарбиявий ва эстетик аҳамияти билан қадрлидир. Комиллик белгиси бўлган-инсонпарварлик, халқлар дўстлиги, осойишталик ва биродарлик учун кураш гояларини ҳормай-толмай қуйлаган Бобур, мустақил ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшадиған, қўшаётган баркамол ёшларимизни тарбиялашда, тинчлик, демократик жамият қуриш учун курашаётган, бир сўз билан айтганда,

салоҳиятли, қобилиятли халқимиз фарзанлари билан доимо биргадир,
у барҳаётдир...

Ушбу мисраларни баён қилиш орқали суюкли лирик
қаҳрамоним – Бобур Мирзо қисматининг жумбоқларини, шеърӣ
сатрлари сирларини англашга уриндим. Гоҳо нималарнидир
илгагандек бўлдим, гоҳо эса бу сирли умр саҳифаларини уқиб
уқимоқликка қурбим етмади. Аммо бани башариятнинг бемисл
жозибадор вакили – Ҳазрати Заҳриддин Бобур Мирзога бўлган
эҳтиром ва ихлосим янада зиёда бўлди.

ИЛОВА

Бобурийлар сулоласи (1483-1858)

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур – Моҳинбону Ахтарзамоно
(1526-1530)
2. Насируддин Ҳумоюн подшоҳ – Ҳамидабону Ҳожибегим
(1530-1556)
3. Жалолиддин Акбар подшоҳ – Журҳабои
(1556-1605)
4. Нуриддин Жаҳонгиршоҳ – Нуржаҳонбегим
(1605-1627)
5. Шаҳобиддин Шоҳжаҳон – Мумтоз Маҳал
(1627-1658)
6. Муҳиюддин Муҳаммад Аврангзеб – Масиҳун – Нисобегим
(1658-1707)
7. Муҳаммад Муаззам мулаққаб Шоҳ Олам Баҳодиршоҳ –
Зийнатбонубегим
(1707-1712)
8. Муҳаммад Муизиддин Жаҳондоршоҳ – Ширин Оромижон
(1712-1713)
9. Жалолиддин Муҳаммад Фарруҳ Суяроподшоҳ – Хўжаста
Султонбегим
(1713-1719)
10. Рафиъ уд-дарожот Муҳаммад Абулбаракат подшоҳ – Хўжаста
Султонбегим
(1719-1748)
11. Абу Назир ҳамидшоҳ – Муборакбегим
(1748-1754)
12. Азизуддин Оламгир 2 – Зийнат Маҳал бегим
(1754-1759)
13. Шоҳ Олам 2 – Ахтарбонубегим
(1759-1806)
14. Муъинуддин Муҳаммад Акбаршоҳ 2 – Тоҷмаҳал бегим
(1806-1837)
15. Абу Зафар Сирожиддин Муҳаммад Баҳодир 2
Зийнатмаҳалбегим
(1837-1858)

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Маънавий юксалиш йулида. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998.
3. Алиев С. Бобурнинг шеърлий ижодиёти. - Т., 1948.
4. Бобур З.М. «Бобурнома». - Т.: Юлдузча, 1990.
5. Бобур З.М. Девон. - Т.: Шарқ, 1996.
6. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. - Т., 1961.
7. Нуриддинов М. Бобурийлар сулоласи. - Т.: Фан, 1944.
8. Неру Ж. Открытие Индии. - М., 1955.
9. Отажонов Н. Бобурнома жаҳон кезади. - Т., 1970.
10. Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. - Т., 1976.
11. Шарма С.Р. Бобурийлар салтанати. - Т.: Маънавият, 1998.
12. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. - Т., 1994.
13. Ҳасанов Ҳ. Бобур - сайёҳ ва табиатшунос. - Т.: Ўзбекистон, 1983.
14. Ҳомидов Ҳ., Ҳасаний М. Машриқзамин ҳикмат бустони. - Т.: Шарқ, 1997.
15. Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. - Т.: Чулпон, 1995.

30 - буюртма. 100 нусха. Ҳажми 3,5 б.т.
2006 йил 13 июлда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида
нашр қилинди.